

МУНДАРИЖА

Кириш	5
I – БОБ. Корхоналарда ишлаб чиқариш салоҳияти ва уни аниқланиши.....	10
1.1 Иқтисодий салоҳиятининг мазмуни, моҳияти ва аҳамияти.....	10
1.2 Иқтисодий салоҳиятнинг таркиби ва унга таъсир этувчи омиллар.....	18
1.3 Иқтисодий салоҳиятни ифодаловчи кўсаткичлар, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари.....	26
II – БОБ. “GM-Uzbekistan” ЁАЖда ишлаб чиқариш салоҳияти ва ундан фойдаланишнинг таҳлили.....	33
2.1 Аосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили	33
2.2 Ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш амалиёти.....	45
2.3 “GM-Uzbekistan” ЁАЖда экспорт имкониятларини баҳолаш.....	52
III – БОБ. “GM-Uzbekistan” ЁАЖда ишлаб чиқариш салоҳиятини яхшилаш йўллари.....	58
3.1 “GM-Uzbekistan” ЁАЖ да ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишда маҳсулотни аҳаллийлаштириш.....	58
3.2 “GM-Uzbekistan” ЁАЖда меҳнат солоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятлари.....	68
Хулоса ва таклифлар.....	74
Фойдаланилган адабиётлар.....	77
Иловалар.....	81

К и р и ш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиётида ҳам эришган ютуқларини асосини корхоналар фаолияти билан боғлиқ деб қаралмоқда. Бунга яққол мисол, Республикамизда юздан ортиқ хорижий давлатлар билан барча соҳаларда, ҳамкорликда фаолият олиб бораётган қўшма корхоналарни олишимиз мумкин. Бизга маълумки халқ истеъмоли моллари ва халқ хўжалиги учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари ҳамда зарур маҳсулотлар корхоналарда яратилмоқда.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти ўз тараққиётига эришгунча узоқ тарихий йўлни босиб ўтди. Бир томондан, бозорга давлат йўли билан таъсир кўрсатишнинг жуда хилма-хил шакллари ва усуллари юзага келди, иккинчи томондан, бозорнинг ўзини-ўз бошқаришига имкон берувчи меъёрлар ва қоидалар таркиб топди. Бу жараён ҳақида Республикамиз Президенти И.А.Каримов: "Ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам, истеъмолчиларнинг ҳам руҳиятини ўзгартириш лозим. Биз ўзимиз ишлаб чиқарадиган, харид қиладиган нарсалар билан, ўзимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларимиз билан фахрланишимиз керак. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ўз харидорини топмаса, ўзимизда тайёрланаётган молларнинг сифати одамларга ёқмаса, бу миллий шаънимизга доғ бўлиб тушади. Биз "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деб тамға қўйилган маҳсулот дунёнинг ҳамма томонларида мамнуният билан харид қилинадиган, ортиқча рекламага муҳтож бўлмаган маҳсулотга айланишига эришмоғимиз даркор"¹ деб яна бир бор таъкидлаб ўтдилар.

¹ Каримов И.А. "Ўзбекистон буюк келажак сари" - Т.: Ўзбекистон, 1998, 372- бет

Шундай экан, бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг фаолияти рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишдан олинadиган даромадга боғлиқ. Ватанимиз иқтисодиётнинг рақобатбардош тузилмасини шакллантириш учун етарлича салоҳият мавжуд. Бу борадаги энг муҳим устувор йўналишларидан таркибий ўзгаришларни давом эттириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш ҳисобланади.²

Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг корхона иқтисодиётини бошқариш, уни тубдан ўзгартириш асосий муаммолардан бирига айланган. Буларни ҳал қилиш назарий ва амалий билимларни мустаҳкам эгаллаган, олинган билимларни муайян илмий - техникавий ишлаб чиқариш, иқтисодий-ижтимоий вазифаларни ҳал этишда ижобий қўллай оладиган, масалани тўғри ўргана оладиган, маъсулиятли, уни ниҳоясига етказиш бўйча оптимал қарорлар қабул қиладиган мутахассисларга боғлиқдир.

“...Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг локомотивига айланган машинасозлик ва автомобилсозлик (12.2 фоиз) 2011 йилда жадал суръатлар билан ривожланди.”³ - дейди ватанимиз президенти И.А.Каримов ўз маърузаларида.

Шундан кўриниб турибдики Республикамизни иқтисодий тараққиётининг асосий йўналишларидан бири бўлган ишлаб чиқаришни жадал суръатлар билан ривожлантириш, истеъмолчилар талабларини бунда асос қилиб олиш, иқтисодий муаммоларни бартараф этиш, ишлаб чиқарувчиларни мавжуд имкониятларидан тўла фойдаланиш, юқори ташаббускорлик ва ташкилотчилик негизида фаолият олиб боришни таъминлашдир.

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: Ўзбекистон, 2009, 30-б.

³ И.А.Каримовнинг “2011 йил якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси 2012 йил 20 январь, № 14 (5434) Жума.

Мустақиллик даврида ўтаётган ҳар бир кун жамиятимизнинг мазмун жихатдан янгиланаётганидан далолат бериб келмоқда. Фан ва техниканинг шиддатли ривожланаётган ҳозирги шароитда олинган билим доимо тўлдирилиб борилиши лозим. Иқтисодийни модернизация ва диверсификация қилиш шароитида мамлакатимизда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар, қўшма корхоналар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар туфайли иқтисодийтимизга ўзларининг улкан ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Президентимизнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”⁴ номли асарида ҳам инқирозга қарши чоралар дастурига асосан белгиланган комплекс чора-тадбирлар қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этишга қаратилган.

Биринчидан, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш;

Иккинчидан, экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш;

Учинчидан, қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарни рақобатбардошлигини ошириш;

Тўртинчидан, электроэнергетика тизимини модернизация қилиш;

Бешинчидан, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва боқа масалалардан иборатдир.

Инсоният тарихида маҳсулот яратиш жараёнлари пайдо бўлгандан бери, бу соҳада изланишлар олиб борилиб янгиликлар яратилмоқда.

⁴ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: Ўзбекистон, 2009, 30-б.

Ўзбекистон ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатларида корхонанинг салоҳиятини оширишда, асосан, унинг тасарруфидаги активларни ва бевосита унда содир бўладиган иқтисодий жараёнлар ўрганиш ҳисобланади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш мамлакат иқтисодиётини соғломлашишига ва ялпи ички маҳсулотнинг ортишига олиб келади. Бу эса аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига ҳамда давлатнинг халқаро иқтисодиётдаги устунлигини таъминлайди.

Битирув малакавий иши мавзусини ҳам юқоридаги масалаларга асосланиб танлаб олинган.

Битирув малакавий ишининг объекти сифатида “GM-Uzbekistan” ЁАЖ этиб танлаб олинди ва ишининг асосий мақсади — рақобатли бозор иқтисодиёти шароитида қўшма корхоналар фаолиятига баҳо бериш ва уни ривожлантиришни ташкилий-иқтисодий жиҳатларини, ишлаб чиқариш салоҳияти ва барқарорлик даражасини ошириш масалаларини изчил равишда ўрганиш ҳамда чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу масалаларни ҳал этиш учун қуйидаги вазифалар белгиланади:

1. Қўшма корхоналарда ишлаб чиқариш салоҳиятини илмий-назарий жиҳатдан асослаш;
2. “GM-Uzbekistan” ёпиқ акционерлик жамиятининг асосий иқтисодий кўсаткичларини таҳлил этиш;
3. Корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишда киритилган инвестицияларни тутган ўрини анқлаш.

Бажарилаётган ушбу битирув малакавий ишининг кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет сайтлари ҳамда иловаларданлардан иборат.

Битирув малакавий ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда назарий ва амалий асослари ҳақида маълумотлар берилган.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида, иқтисодий салоҳиятининг мазмуни, моҳияти ва аҳамияти, таркиби ва унга таъсир этувчи омиллар ҳамда иқтисодий салоҳиятни ифодаловчи кўсаткичлар, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари очиб берилган.

Битирув малакавий ишининг иккинчи бобида, “GM-Uzbekistan” ЁАЖнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини белгилайдиган уч йиллик техник – иқтисодий кўрсаткичлари ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили ҳамда экспорт имкониятларини баҳолаш меъзонлари ҳам тўлиқ ўз ифодасини топган.

Битирув малакавий ишининг учунчи бобида эса, “GM-Uzbekistan” ЁАЖда ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш бўйича маҳаллий лаштиришнинг аҳамияти ва меҳнат солҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятлар очиб берилган.

Хулоса ва таклифлар қисмида битирув малакавий ишнинг мазмуни, амалга оширилган назарий ва таҳлилий натижаларини умумлаштирган хулосалар берилган ҳамда муаммони баратараф этиш бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.

I – БОБ. Корхоналарда ишлаб чиқариш салоҳияти ва уни аниқланиши.

1.1 Иқтисодий салоҳиятининг мазмуни, моҳияти ва аҳамияти

Корхоналарини ривожлантириш биринчи навбатда ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, илғор техника-технологиялардан фойдаланиш даражасини ошириш, янги бозорларни эгаллаш, ташқи ва ички бозорларда рақобатбардош бўлган маҳсулотни яратишга қаратилган устувор дастурларни ишлаб чиқариш каби омилларга боғлиқ. Шунингдек саноат корхонаси молиявий барқарорлиги кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга асосланади. Бунга қийматларнинг ҳаракати даражасида, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, нафақат сарифланган захираларни тўлдириш, балки уларнинг ҳажмини, ўз навбатида, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қиймати ва сифатини ошириш учун етирли бўлган қўшимча қиймат олишини таъминланиши лозим. Шу нуқтаи назардан ҳар бир саноат корхонасида иқтисодий салоҳиятни таъминлаш дастурини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу дастур иқтисодий салоҳиятни йўлга қўйиш чора – тадбирларининг кўп поғонали таркибий тузилиши ва уни ресурслар билан таъминлаш асосида ишлаб чиқилиши лозим. Саноат корхонаси иқтисодий салоҳиятига эришишнинг муқобил йўллари мазкур дастур тадбирларини ресурслар билан таъминлаш ва улар ўртасидаги алоқалар доирасида ўзаро боғланган бўлиши лозим.

Ўзбекистон ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатларида нашр қилинаётган иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми бўлган молиявий таҳлилга оид адабиётларда корхонанинг молиявий-ҳуқуқий фаолиятини

таҳлил қилишда, асосан, унинг тасарруфидаги активларни ўрганиш билан чекланиб қолинмоқда⁵. Бу бизнинг фикримизча, корхонанинг иқтисодий фаолиятини тўлиқ таҳлил қилиш учун назарий ва методологик жиҳатдан етарли эмас. Чунки, корхонанинг иқтисодий фаолияти бевосита унда содир бўладиган иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ.

Иқтисодий жараёнларнинг содир бўлишида фақат корхонанинг активлари эмас, балки бошқа элементлари ҳам иштирок этади. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнини олайлик. Унинг содир бўлиши учун албатта моддий – техник таъминоти, яъни ускуналар, жиҳозлар, бинолар, хом ашё кабилар зарур. Аммо ҳар қандай илғор техника, юқори сифатли хом ашё, ўз-ўзидан иқтисодий жараённи содир қилиб, моддий неъмат ишлаб чиқармайди. Унга албатта инсоннинг аралашуви, яъни жонли меҳнатнинг муштараклиги ва иштироки зарур. Агар жонли меҳнат иштирок этмаса, ҳар қандай илғор техника ҳам “ўлик”, ҳаракатсиз ускуна бўлиб қолаверади.

Бундан кўриниб турибдики, иқтисодий жараёнларни содир этиш учун моддий бойликлар билан биргаликда жонли меҳнатнинг ҳам иштирокини таъминлаш лозим экан. Шундагина ишлаб чиқариш жараёни содир бўлиб, янги маҳсулот яратилишига эришиш мумкин. Шу маҳсулотнинг сотилиши эса корхонанинг барча харажатларини қоплаб, фойда олишни таъминлайди ҳамда унинг салоҳияти ортиб бораверади. Шундагина ишлаб чиқаришнинг приовард мақсади – аҳолининг фаровонлиги ошириш ва турмуш даражаси кундан – кунга яхшилашга қаратилган бўлади.

⁵ Акрамов. Э.А. “Анализ финансового состояния предприятия.” – Ташкент; ТГЭУ, 2000 г.

Демак, бундан кўриниб турибдики, корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳиятини таҳлил қилганда фақатгина бухгалтерия балансининг актив қисмида жойлашган корхона тасарруфидаги моддий бойликларни (активларни) таҳлил қилиш билан чегараланиб қолиш, унинг иқтисодий фаолияти тўғрисида хулоса қилиш учун етарли эмас. Бу эса ўз навбатида, корхонанинг иқтисодий аҳволига тўлиқ ва батафсил баҳо бериш учун унинг активлари билан биргаликда меҳнат ресурсларини ҳам қўшган ҳолда тизимли ёндошиб, комплекс таҳлил қилишни тақозо этади.

Режали иқтисодиёт шароитида ва таҳлилга оид адабиётларда⁶ корхонанинг моддий бойлигини (ресурсларини) ва меҳнат ресурсларини барча ресурслар мажмуаси сифатида қаралиши кўзда тутилган эди. Уларнинг таҳлили барча бойликлар (ресурслар) таҳлили деб юритилар эди.


Аммо иқтисодиётни эркинлаштириш тамойилига асосланган бозор муносабатлари ҳукм сураётган бугунги шароитда иқтисодий жараёнлар таркибида моддий активлар ҳам иштирок этади. Буларнинг таркибига муаллифлик ҳуқуқи, патентлар, “нау - хау”, савдо белгиси (ўз бренди), рухсатномалар (лицензиялар), каби тушунчалар қиймати киради. Булар моддий бирлашмасада, корхонага худди моддий бойликлар сингари маълум даражада фойда келтиради. Аммо уларни корхонанинг моддий бойлигига (ресурсига) киритиш мумкин эмас, чунки улар шакли, мазмуни ва моҳияти жиҳатидан номоддийдир.

⁶ Баканов М.И., Ширемент А.Д. “Теория анализа хозяйственной деятельности” – М.:1989 г.



1.1.1 – расм. Узоқ муддатли активларнинг тузилиши таркиби

Бозор муносабатлари шароитида корхонада иқтисодий жараёнларининг содир бўлиши ва унга маълум даражада фойда келтириш учун моддий (асосий воситалар, айланма маблағлар) ва меҳнат ресурслари билан биргаликда номоддий активлар ҳам иштирок этади. Уларнинг жамланмасини олдингидек моддий ва меҳнат ресурслари деб атаб бўлмайди. Агар шундай қилинса, уларнинг таркибига номоддий активлар кирмай қолади. Шу туфайли, уларни корхонанинг иқтисодий салоҳияти (потенциали) деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бунда моддий ресурслар билан биргаликда номоддий активлар ва меҳнат ресурслар тўлиқ ўзифодасини топади. Буларнинг таркибий тузилишини юқоридаги 1.1.1 - расмдан кўриш мумкин.



1.1.2 – расм. Корхона иқтисодий салоҳиятининг (потенциали) тузилиши таркиби

Демак, корхонанинг иқтисодий салоҳияти - деганда, унда содир бўладиган молиявий-хўжалик фаолиятини (иқтисодий жараёни) тўлиқ таъминлашда бевосита иштирок этадиган барча моддий ва меҳнат ресурслари (бойликлари) ҳамда номоддий активлар мажмуи тушинилади.

Мамлакат миқёсида ҳозирги кунда ҳам жадал олиб борилаётган ислохатлардан бири президентимиз И.А.Каримовнинг Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi рўй берган йилда, долзарб мавзу қилиб қўйган, “...инқироздан чиқиб кетиш ва унинг асоратларини бартараф этиш учун мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлашда ҳар бир корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти жараёнини ўзгаришларга тез мослашувчи техника-технологиялар билан таъминлаш ва модернизация қилиш” борасида олиб бораётган ишлари ҳам айнан мана шу маҳсулот

ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини оширишни таъминлаш ва фаолиятини такомиллаштиришга қаратилгандир.

Корхонанинг иқтисодий салоҳиятни оширишда қуйидаги муаммоларга эътибор бериш ва тўлиқ таҳлил қилиб, улар асосида ўзининг стратегик режасини тузиб олиш керак. Булар:

- Корхонанинг маркетинг фаолиятини ўрганиш;
- Ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмини аниқлаш;
- Маҳсулот сотиш ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ўрганиш;
- Меҳнат ресурслари билан таъминланганлик, меҳнат унумдорлиги ва уларнинг маҳсулот ҳажмига таъсирини аниқлаш;
- Корхонани моддий ресурслар билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланиш усуллари;
- Маҳсулот таннархини кўриб чиқиш;
- Корхонанинг молиявий ҳолатини ўрганиш;
- Корхонанинг ташқи иқтисодий фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда ривожлантириш ва бошқалар.

Иқтисодий амалиёт, корхонанинг ишлаб чиқари салоҳиятни оширишнинг икки йўли борлигини тасдиқлайди. Уларнинг биринчиси – **экстенсив** (аста-секинлик билан) ўсиш йўлидир. Бу йўл билан маҳсулотларнинг кўпайишига, аввалги техникавий база ва бошқа шарт – шароитлар ўзгармаган ҳолда ишлаб чиқариш омилларининг кўпайиши (кўпроқ хом – ашё, инсон ресурслари, молиявий маблағлар) эвазига эришилади.

Иккинчиси эса интенсив (тезкор) ўсиш йўли бўлиб, ўсишни ишлаб чиқариш омилларининг сифат жиҳатдан яхшиланиши, тежамли техника — технология қўлланилиши, малакалироқ ишчи кучи ишлатилиши, корхонадаги ишлаб чиқариш қувватларидан, имкониятларидан унумлироқ фойдаланиш ҳисобига таъминлайди. Бошқача айтганда, ялпи миллий маҳсулотни кўпайтириш (натижани ортириш) учун қўшимча қувватларни, қўшимча ишчи кучини сафарбар қилиш шарт эмас. Интенсив ўсиш замирида замон фан-техника тараққиёти ва унинг ютуқларидан фойдаланиш ётади.

Иқтисодий ҳаёт яна шуни таъкидлайдики, интенсив ва экстенсив иқтисодий ўсиш турли мутлақ алоҳидаликка эга эмас, улар бир-бири билан боғлиқ, ёнма-ён намоён бўлади. Фақат у ёки бу шароитда улардан бири устиворлик қилади. Масалан, бизнинг фан-техника инқилоби давримизда интенсив ўсиш устиворлик қилади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган жамият қуришга киришилган ҳозирги шароитда кўпроқ иш кучи талаб қилинадиган тармоқлар ва корхоналарни ривожлантириш кучлироқ намоён бўлмоқда.

Бизда интенсив ва экстенсив ўсишни боғлаб бориш, экстенсив ўсишга устиворлик бериш хусусияти мавжуд. Бироқ бу узуоқ муддатли иқтисодий сиёсат бўлмай, давр ва шароит тақазосидир. Умумий тараққиёт нуқтаи назаридан қараганда интенсив барқарорлаштириш йўли афзалроқ ва истиқболлидир. Чунки, ресурслар, хом-ашёлар, меҳнат ресурслари тобора камайиб бормоқда. Бундай шароитда эса чекланиб бораётган ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш орқали корхонада ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш мумкин.

Интенсив йўлнинг қуйидаги афзалликларини қайд этиб ўтиш мумкин:

1. Маҳсулотга кам харажат қилинади;
2. Маҳсулот сифати ортади;
3. Оралик маҳсулот ҳажми камаяди;
4. Пировард маҳсулот ҳажми ортади;
5. Аҳоли турмуш даражаси кўтарилади;
6. Маҳсулотлар жаҳон андозаларига яқинлашади.

Мана шу афзалликлар туфайли барча корхоналар интенсив ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ҳаркат қиладилар. Зеро, корхонанинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, унда иқтисодий ўсишни таъминлаш учун муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

1.2. Иқтисодий салоҳиятнинг таркиби ва унга таъсир этувчи омиллар.

Корхонанинг узоқ йиллик иқтисодий салоҳияти барқарорлигини таъминлаш учун маълум бир ўлчамга эга бўлиши лозим. Ҳозирги кунда мамлакатимизда хусусий мулкчиликка ва эркин рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти шароитида саноат ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш ва режалаштириш учун уларга таъсир этувчи омилларни назарий жиҳатдан ички ва ташқи гуруҳларга ажратишимиз мумкин (1.2.1- расм).



1.2.1- расм. Корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш ва унга таъсир этувчи омиллар.

Корхонанинг иқтисодий салоҳиятини (потенциалини) баҳолашда, энг аввало, уни қиймати ва харажати нуктаи назаридан аниқлаш лозим. Ушбу кўрсаткичнинг тўлиқ қийматини баҳолашда асосан бухгалтерия баланси маълумотларидан фойдаланилади. Бунинг учун бухгалтерия балансидаги асосий восита, айланма маблағлар ва номоддий активларнинг умумий суммаларини ҳамда ҳисоб-китоб орқали аниқланган ишчи ва хизматчиларнинг пулда ифодаланган қийматини олиш мумкин.

Шундай қилиб, корхонанинг иқтисодий салоҳияти оширишда, хўжалик фаолиятида содир бўладиган иқтисодий жараёнда иштирок этадиган барча моддий ресурслар (асосий ва айланма маблағлар), номоддий активлар ва меҳнат ресурслари биргаликда муштарак ҳолда ўрганилади.

Моддий ресурслар ва номоддий активлар тўғрисидаги маълумотлар бухгалтерия балансида ифодаланади, аммо меҳнат ресурслари эса бу ҳисобот таркибида кўрсатилмайди.

Бухгалтерия балансида, айниқса, корхона иқтисодий салоҳиятини баҳолашда моддий ресурслар ва номоддий активлар билан биргаликда меҳнат ресурслари қийматини ҳам инобатга олиш лозим. Аммо бу кўрсаткич бухгалтерия балансида кўрсатилмайди. Шу туфайли унинг пулдаги ифодасини топишни тақозо этади.

Ҳозирги пайитда меҳнат ресурссининг баҳосини бемалол аниқлаш учун қонуний асос яратилган. Чунки, республикамизда оддий ишчидан тортиб то етук мутахассисгача, уларнинг таёрлаш харажати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Бу харажатлар ходимлар иш кучининг биринчи бошланғич “ шартли баҳоси ” бўлиб ҳисобланади. Сўнгра, унинг малакасини ошириш, қайта

Ўқитиш учун харажат қилинса, булар ҳам ушбу бошланғич баҳосига кўшилади. Бундай йўл тутиш зарурлигининг иккинчи томони шундаки, ҳозир кўпчилик мутахассисларни таёрлаш корхона ёки ота-оналар ҳисобидан пул тўлаш эвазига амалга оширилмоқда. Демак, корхона ўқишни битирган талабани ишга қабул қилса, унинг шу корхона учун “шартли қиймати” аниқ. Масалан, ходим корхона ҳисобидан 4 йил ўқиган. Биринчи йилда унинг ўқиши учун 200.0 млн сўм, иккинчи йилда 250.0 млн сўм, учинчи йилда 280.0 млн сўм, ниҳоят тўртинчи йилда 300.0 млн сўм пул тўлаган деб фараз қилсак, унинг “шартли баҳоси” 1030.0 млн сўмни ташкил қилади. Агар ходимнинг ўқиши давлат ёки шахсий ҳисобдан амалга оширилса, у ҳолда корхона маскур ходимни ишга қабул қилиш билан ушбу харажатга тенглаштирган миқдорда унинг шартли қийматини белгилаши мумкин. Бундан ташқари, ҳар йили давлат томонидан диплом берилган бакалавр, мутахассис ёки магистрнинг “нарҳини” ҳам марказлашган тарзда аниқлаб, эълон қилиб туришлари мумкин.

Ходилар иш кучининг умумий қийматини пулда ифодалаш учун қуйдаги амални бажариши лозим. Биринчидан, барча ходимларни тоифага бўлиб чиқилади. Ҳар бир тоифадаги ходимларнинг тайёрлашга кетган қиймати аниқланиб, шу тоифа бўйича уларнинг умумий суммаси топилади. Иккинчидан, ҳар бир тоифа бўйича аниқланган суммаларни кўшиб, ходимларнинг “шартли баҳосини” ифодалайдиган жами суммасини топиш мумкин. Бунинг учун қуйидаги математик моделни қоллашни тавсия қилинади:

$$\text{ЧК} = \sum_{i=1}^n a_i + b_i,$$

бунда:

XK – ходимларни тайёрлашга кетган харажатларнинг жами суммаси (иш кучининг умумий қиймати);

i – ходимлар тоифасининг тартиб сони ($i=1,n$);

n – ходимлар тоифасининг умумий сони;

a_{i-i} – тоифа ходимларини тайёрлашга кетган харажатлар;

$vi-i$ – тоифа ходимларининг малакасини оширишга кетган харажатлар.

Энди корхонанинг иқтисодий салоҳиятининг умумий қийматини аниқлаш мумкин. Бу ўринда қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\text{Кор.иқт.салоҳ} = \text{Асос.вос} + \text{Айлан.маб} + \text{Нф} + \text{Хк},$$

бунда:

$Ав$ – асосий воситаларнинг (капиталнинг) ўртача қиймати;

$Айм$ – айланма маблағларнинг (капиталнинг) ўртача қиймати;

$Нф$ – номоддий активларнинг ўртача қиймати;

$Хк$ – ходимларнинг ўртача “шартли” қиймати.

Агар ушбу формуладаги натижани “У” деб, омилларни $X_i - n$ деб белгиласак, юқоридаги формуланинг математик кўринишини қуйидагича ифодалаш мумкин.

$$Y = \sum_{i=1}^n X_i = X_1 \times X_2 \times X_3 \times \dots \times X_n.$$

Ушбу математик моделга таҳлилнинг анъанавий усуллари қўллаб, амалий маълумотлардан фойдаланган ҳолда натижанинг ўзгаришини таъминловчи барча омиллар таъсирини ҳисоблаб чиқса

бўлади. Буни амалга ошириш учун бухгалтерия баланси ва бошқа ҳисоботлар асосида корхона иқтисодий салоҳиятига кириувчи тоифаларни алоҳида элементлари бўйича ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг таркибий тузилиши қуйидаги расмда келтирилган (1.2.2-расм).



1.2.2-расм. Корхона иқтисодий салоҳиятининг таркибий тузилиши.

Шундай қилиб, убушу расмдаги кўсаткичлар йиғиндиси корхона иқтисодий салоҳияти суммасининг умумий ҳажмини ифодалайди. Аммо жорий йилда уларнинг қанча қисми ишлатилганлигини, қай даражада самарадорликка эришганлигини билиш учун таҳлил қилинаётган даврга тўғри келадиган қисмини ҳам аниқлаш лозим. Бу фақат назарий жиҳатдан эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича бизнес режада мўлжалланган ҳажмининг бажарилишини таъминлаш ҳамда юқори сифатли, харидоргир маҳсулотларнинг яратилиши корхонанинг бевосита муҳим кўрсаткичлари бўлмиш ишлаб чиқариш таннархи, харажатлар ҳажми, фойда ва рентабеллик, иқтисодий барқарорлик, тўлов қобилияти, соф

пул маблағларининг ҳисобот давр охирга кўпайишини таъминловчи омилидир. Корхонада маркетинг фаолияти қанчалик яхши ишласа корхонани қандай, қай ҳолатда ва қанча маҳсулот ишлаб чиқариши аниқ бўлади. Агарда маҳсулот ишлаб чиқарувчи бозордаги рақобатчиларининг яхши билмаса, рақобатда синиши ва маҳсулотни сотса олмаслиги мумкин. Бу эса корхонани банкротлик ҳолатига олиб келади.

Корхона ўз маҳсулоти билан бозорни эгаллай бошласа яъни, истеъмолчи талаби орта бошласа, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириши керак. Бунинг учун кўшимча ишлаб чиқарувчи ускуналарни сотиб олиши ва ишлаб чиқаришга жалб этиши лозим. Корхонани ўз пул маблағлари айланма фондларида банд бўлса, ташқи инвестицияларни жалб этиши мумкин. Ишлаб чиқариш кўламини ортиши корхонага қисқа вақт ичида катта миқдорда фойда келтириши мумкин. Инвестициянинг иқтисодий аҳамияти тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, бу ўринда “инвестиция” тушунчасининг молиявий, мулкӣ ва интеллектуал хусусиятларни такрор ишлаб чиқариш индекси бўлишининг дастлабки ҳамда асосий тушунча бўлиб майдонга чиқишини унутмаслик керак. Бизда инвестиция хусусида қонуний ҳужжатлар 1991 йилдан бошлаб қабул қилинди ва ўтган вақт ичида улар анча такомиллашди. Инвестиция тўғрисида қабул қилинган қонунда кўсатилиши инвестиция – бу иқтисодий самара олиш ёки ижобий кўришда ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банкларга қўйилган омонатлар, қимматли қоғозлар, технологиялар, машиналар, асбоб-ускуналар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай бойликлардир.

Ташқи иқтисодий фаолиятни йўлга қўйиш ва ривожлантириш иқтисодий ҳаракатда асосий йўналишлардан бири сифатида олинади. Негаки ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ва жаҳон бозорининг актив иштирокчисига айланиш корхоналар фаолиятининг муҳим ва самарали йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу жумладан, ташқи иқтисодий фаолиятни йўлга қўйиш ва унинг ривожланиш истиқболларини белгилашга давлат дастурини тузиб чиқишда ва бу борада иқтисодий ҳамда ҳуқуқий негизларини белгилашга муҳим аҳамият қаратилади.

Мамлакатда иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришни ташқи иқтисодий фаолиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу эса, ўз навбатида фаолиятнинг турли соҳаларда хориж билан алоқада ва ҳамкорликда бўлишни, маҳсулот, иш ва хизматлар бўйича жаҳон бозорига чиқиш ва унда муҳим ўрин эгаллашнинг имконли шартларини белгилаб олишни ҳам талаб этади.

Ҳозирги кунда республикамизда хориж билан иқтисодий алоқаларнинг ривожини ва истиқболини ижобий баҳолаш мумкин. Чунки, мустақиллик йилларида турли мулк шаклидаги 3500 дан ортиқ қўшма ва ҳамкорликдаги корхоналар ташкил этилди. Бугунги кунда уларнинг 2000 дан ортиғи фаол иш олиб бормоқда.

Ушбу корхоналарнинг маҳсулоти асосан ватанимизнинг ички ва ташқи истеъмолига киритилган. Лекин, иқтисодий имкониятларнинг ва ҳуқуқий мезонларининг имкон шартларидан тўла фойдалана олаётганмиз йўқ. Негаки, ташкил этилган ва рўйхатга олинган мавжуд 3500 дан ортиқ фирма ёки корхоналарнинг 40 фоиздан ортиғи ҳали тўла ишга туширилганича йўқ. Уларнинг айримлари эса ҳозирда қайта фаолият шаклини ўзгартириш ҳаракатида.

Республикамизда ташқи иқтисодий фаолиятни йўлга қўйиш тўла асосга эга. Лекин бу иқтисодий асосдан мақсадли ва келажакни кўзлаб фойдалана олаётганимиз йўқ. Чунки, юртимизда ташкил этилаётган асосий қўшма корхоналарни тўла қувват даражасида ишлата олмаяпмиз.

Ички омиллар ишлаб чиқариш жараёнига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, улар қанчалик юқори бўлса, маҳсулот сифати, миқдори ва фойдалилик даражаси ҳам шунчалик ортади.

Асосий воситалар ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишда унга таъсир этувчи кўрсаткичлари ичида маълум даражада ўз ўрнига эга. Ушбу воситаларга хўжалик юритувчи субъектнинг кўп маблағи жалб қилинган бўлади. Мазкур маблағнинг қиймати асосий воситалардан самарали фойдаланиш эвазига амалга оширилади. Бугунги кунда энг асосий ишлаб чиқариш ресурсларидан бири бу моддий ресурс бўлиб, уларнинг таркибида ҳам асосий воситалар муҳим урин эгаллайди. Чунки, кейнги йилларда асосий воситаларнинг баҳосини мунтазам ортиб бориши ва уларга қилинадиган ҳаражатлар маҳсулот таннархининг асосини ташкил қилаётганлиги ҳам ушбу воситаларни таҳлил қилиб боришни тақозо қилмоқда. Асосий фондлар (воситалар) ишлаб чиқаришнинг муҳим омили сифатида қаралиб, улар воситасида бевосита меҳнат предметлари ва меҳнат кучлари бирикувида маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, ишлар бажарилади ва хизматлар кўрсатилади. Корхонада асосий воситалардан фойдаланиш рентабеллиги даражаси, асосий воситаларнинг натижавийлиги ва унинг даромадлилиги юқори бўлса, сарфланган маблағлар ўз вақтида қайтади. Бу эса корхонанинг режасини тўлақонли бажарилишини таъминлайди.

1.3 Иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари.

Бугунги кунда мамлакатимизни халқаро иқтисодиётдаги ўрнини мустаҳкамлаш учун иқтисодиётимизнинг асосини ташкил этган саноат ишлаб чиқариш соҳасини барқарорлигини таъминлашимиз ва такомиллаштиришимиз керак.

Корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишда, унинг мақсади ва асосий вазифаларидан бири таҳлил қилаётган объект ёки тоифани (категорияни) тўғри танлаб олишимиз лозим. Батафсил баҳолаш учун уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишдан ҳамда уларни назарий ва методологик жиҳатдан асослашдан иборатдир.

Корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти бу кенг қамровли ва теран тушунча. Унинг ҳолати ва ундан фойдаланиш даражаси тўғрисида тўлиқ хулоса чиқариш учун албатта кўрсаткичлар тизимидан (системасидан) фойдаланиш лозим. Аммо кўрсаткичлар сонининг кўплиги ёки озлигига қараб, ўрганилаётган объект ёки тоифани (категорияни) баҳолаш учун етарли ёхуд кам деган хулоса чиқариб бўлмайди. Шу туфайли кўрсаткичлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш лозим.


Кўрсаткичлар ҳақида тўғри хулоса чиқариш учун, энг аввало уларни илмий асосланган ҳолда таснифлаш лозим. Таҳлил қилишда кўрсаткичлар жуда кўп белгилари билан таснифланади.

Корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларини иқтисодиймазмунига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- Корхонанинг иқтисодий салоҳият ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар;

- Иқтисодий салоҳият билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар;
- Иқтисодий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Ушбу кўрсаткичлар таснифи қуйидаги 1.3.1-расмда келгитирилган.



1.3.1-расм. Корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар таснифи.

Ушбу расмдан кўрини турибдики, корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар талайгина. Уларнинг ҳар бири маълум миқдорга эга бўлмоғи ва таҳлил қилинаётган тоифа (категория)нинг у ёки бу жиҳатини ифодаламоғи лозим. Бунинг учун эса албатта аниқ ахборотнинг маълумотларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумотларни шакллантиришда, тўплашда ва улардан фойдаланишда иқтисодий таҳлилнинг САҲТХОБ тамойилига таяниш мақсадга мувофиқдир. Ушбу тамойилнинг мазмунига тегишли адабиётларда⁷ ўз аксини топган. Бундай ишларда САҲТХОБ тамойилларининг зарурлиги, унинг назарий ва амалий аҳамияти тегишли далиллар билан асосланган.

Таҳлилнинг энг муҳим вазифаларидан бири кўрсаткичларни аниқлаш усуллари ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ҳар бир корхонада иқтисодий салоҳиятнинг ҳолатини, у билан таъминланганлик ва уларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Зеро, ҳар бир корхонанинг бойлиги жамият бойлигининг бир қисми сифатида унга ҳеч кимнинг бефарқ бўлишига ҳаққи йўқ. Шу туфайли, мулк шаклидан қатъий назар, корхона иқтисодий салоҳиятининг ифодаловчи кўрсаткичларнинг таҳлили иқтисодий таҳлилнинг асосий қисмини ташкил қилмоғи лозим.

Таҳлил жараёнида барча кўрсаткичларнинг режадаги, ўтган даврдаги ва жорий йилдаги миқдорлари аниқланади. Бу ўринда бухгалтерия баланси, молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари ва статистик ҳисобот маълумотлари ахборот манбаи бўлиб ҳисобланади.

⁷ Пардаев М.К ва Ахматов И.: «Иқтисодий таҳлил» ва «Иқтисодий таҳлилда САҲТХОБ» - Тошкент: 2001 йил.

Меҳнат салоҳияти билан боғлиқ кўрсаткичларни эса, асосан статистик ҳисобот маълумотларидан ва айримларини ҳисоб – китоб йўли билан аниқлаш мумкин.

Корхонада иқтисодий салоҳиятни таҳлил қилиш ва унинг ҳолати, самарадорлиги ҳамда улар билан таъминланганлик даражаси тўғрисида аниқ хулосаларга келиш учун уларнинг ҳар бир гуруҳини алоҳида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Шу жиҳатдан, энг аввало, корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлилини унинг ҳолатини ифдаловчи кўрсаткичлардан бошлаш лозим. Чунки, бу кўрсаткичлар орқали таҳлил қилинаётган корхонада иқтисодий салоҳият билан боғлиқ масалалар бўйича аҳвол қандай эканлиги тўғрисида хулоса қилинади. Ушбу кўрсаткичлар миқдорини амалий маълумотларни қўллаган ҳолда корхонанинг иқтисодий салоҳияти қандай ҳолатда эканлигига баҳо бериш мумкин. Чунки, умумий аҳволни билмай туриб, у билан таъминланганлик ва ундан самарали фойдаланишнинг аҳволини таҳлил қилиб бўлмайди. Ушбу хулосадан келиб чикиб, энг аввало, корхонада иқтисодий салоҳият ҳолатини ифдаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг усуллари кўриб чиқиш учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (1.3.1-Жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлил қилинаётган даврда 11.1 фоизга ошган. Бу асосан асосий воситалар ва меҳнат салоҳиятининг ошганлиги (мос равишда 6.97 фоизга ва 17.64) фоиз эвазига содир бўлган. Айланма маблағлар ва номоддий активлар қийматининг ўсиш суръати иқтисодий салоҳият қийматининг ўсиш суръатига нисбатан секинроқ, яъни мос равишда 21.7 фоизга ва 14.2 фоизни ташкил қилади. Бу ҳолат уларнинг таркибий тузилишини таҳлил қилганда ҳам яққол намоён бўлмокда.

Чунки, асосий воситалар ва меҳнат салоҳияти кийматининг таркиби мос равишда 6.97 фоиз ва 17.64 фоиз бандга ошган бир пайитда, айланма маблағлар улуши 6.3 фоиз бандга, номоддий активлар улуши эса 3.4 фоиз бандга камайган.

Ушбу ҳолатдан кўриниб турибдики, корхонада фан – техника тараққиёти сушт кетмокда, чунки унинг иқтисодий салоҳияти таркибида меҳнатнинг хиссаси юқорилигигача қолмокда ва унинг улуши яна ўсишда давом этмокда.

1.3.1-жадвал.

Корхона иқтисодий салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳисоб - китоби

Кўрсаткичлар	Йиллар			Фарқи	Ўзгариш суръати,
	2009	2010	2011	(+,-)	%
1. Асосий воситаларнинг ўртача қиймати, млн.сўм	777000	860000	920000	60000	106.9
2. Айланма маблағларнинг ўртача қиймати млн.сўм	298363	331514	403477	71963	121.7
3. Номоддий активларнинг ўртача қиймати, млн.сўм	63747	70830	80920	100090	114.2
4. Меҳнат салоҳиятининг ўртача қиймати, млн.сўм	27540	30600	36.000	5400	117.64
5. Иқтисодий салоҳият (Ис) ўртача қиймати, млн.сўм (1қ+2қ+3қ+4қ)	116665.0	119161.5	132359.3	131978	11.1
6. Асосий воситаларнинг Ис.даги улуши, % (1қ:5қ ^х 100)	66.6	72.2	69.5	-27	96.3
7. Айланма маблағларнинг Ис.даги улуши, % (2қ:5қ ^х 100)	25.5	0.278	0.305	0.0262	109.7
8. Номоддий активларнинг Ис.даги улуши, % (3қ:5қ ^х 100)	5.4	0.0059	0.0061	0.0002	103.4
9. Меҳнат салоҳиятининг Ис.даги улуши, % (4қ:5қ ^х 100)	2.4	0.0025	0.0027	0.0002	108.0

*Манба: “GM–Uzbekistan” ЁАЖ маълумотлари ва муаллиф ишланмаси

Корхона меҳнат салоҳиятининг активлар билан таъминланганлик даражаси ҳамиша бирдан катта бўлиши лозим. Мазкур корхонада 2009 йилда 116665.0 млн.сўмни, 2010 йилда 119161.5 млн.сўмни, 2011 йилда эса 132359.3 млн.сўм миқдорида сақланиб қолинган. Бундан кўриниб турибдики, корхонанинг салоҳиятида ҳамон меҳнат улуши юқорилигича келомоқда. Жамиятнинг тараққий этиши билан корхона иқтисодий салоҳиятида меҳнатнинг хиссаси камайиб боради. Корхонада технологик жараёнлар тўлиқ автоматлаштирилгандан сўнг, инсон ўрни роботлар бажаргач корхона “одамсиз корхонага” айланиб боради. Бундай корхоналар ҳозирги кунда илмий – техник жиҳатдан юксак тараққий этган мамлакатларда, хусусан Япония, Жанубий Корея, АҚШ ва барча Европа мамлакатларида жадаллик билан кўпаймоқда.

Таҳлилнинг энг муҳим вазифаларидан бири мавжуд иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатиб беришдан иборатдир. Бунинг учун уни таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқиш лозим. Шу жиҳатдан, корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлиliga алоҳида аҳамият бериш лозим бўлади.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, корхоналар рентабеллиги, активлари, меҳнат салоҳияти, бошқаруви, даромадлари, маҳсулот сифати ва миқдорининг ҳолис баҳоланишини таъминловчи тизимнинг янги талқини тадбиқ қилишни кўзда тутган ҳолда, ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий ҳолатини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида этибор берилмоқда.

Дарҳақиқат, дунёда иқтисодий интеграциялашув жараёнининг табора чуқурлашиб боришида ишлаб чиқариш тизимининг роли, хусусан, унинг барқарорлиги муҳим аҳамият касб этмасдан қолмайди.

Иқтисодий ташкилотлар, хусусан, ишлаб чиқариш фаолиятини назорат қилиш ва баҳоланишининг турли ҳил тизимлари тартибга солувчи органлар асосий ўринни эгаллайди. Бу эса қўлланилаётган баҳолаш тизими, фойдаланиш ва назорат қилишда содда стандартлаштирилган тизим тарзида бўлишни тақозо этади. Ҳозирда дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини рейтинг баҳолашнинг стандартлаштирилган тизимлари мавжуд бўлиб, улар турли мамлакатларда ўзига ҳос кўринишда ва ўзига ҳос услубда олиб борилади.

Мамлакатимизда эса ишлаб чиқариш корхоналар фаолиятни маблағлар билан таъминлаш ва инвестициялар киритиш учун инвестор ҳамда кредит берувчи банкларга зарур бўлган ушбу корхонанинг ҳозирги кундаги барқарорлик даражаси ҳақидаги маълумотдир. Бунини аниқлашда ҳозирги кунда фаолиятни баҳоловчи аудиторлик фирмалари ташкил этилган. Уларнинг асосий вазифаси ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолиятини таҳлил этиш, барқарорлик даражасини аниқлашдир. Корхоналарда ишлаб чиқариш салоҳиятини аниқлашда халқаро стандартлардан олиниб, миллий иқтисодиётимизга мослаштирилган меъёрлар ва услублар мавжуд. Аудиторлик фирмалари иқтисодий салоҳиятни баҳолашда тўртта асосий кўрсаткичларга этибор беришади. Булар:

1. Корхонанинг рентабеллик даражаси;
2. Корхонанинг меҳнат ресурслари сифати;
3. Корхонанинг бозор ҳатарига таъсирчанлиги.

Баҳолаш тизими асосида корхона рентабеллигини қуйидаги формула орқали аниқланади;

$$Р_d = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Умумий харажатлар}}$$

II – БОБ. “GM-Uzbekistan” ЁАЖда ишлаб чиқариш салоҳияти ва ундан фойдаланишнинг таҳлили.

2.1 Аосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили.

Ватанимиз мустақиллика эришгач, халқ хўжалигининг барча тармоқлари сингари “Ўзавтотеххизмат” ОАЖ тизими корхоналарига ҳам ислоҳатларни амалга ошириш учун кенг кўламли имкониятлар яратди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 5-январдаги 509-сонли қарорига мувофиқ “Uz-DAEWOO” қўшма корхонаси ташкил этилиши мазкур тизимни ривожлантириш йўллари аниқ белгилаб берди.

Марказий Осиёда биринчи бўлиб енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган Асака авто корхонаси тарихида янги саҳифа очилди. Яъни, 1996 йил март ойида Асака авто корхонаси конвейридан “Damas” русумли биринчи автомобиль модели чиқди. Шундан сўнг, “Nexia”, “Matiz” ҳамда “Tico” автомобилларини серияли ишлаб чиқаришга ихтисослашган линиялари тантанали равишда ишга туширила бошланди. 2008 йилнинг апрель ойида “UZ - DAEWOO” корхонаси “GM – Uzbekistan” Ёпиқ Акциядорлик Жамиятига айлантирилди ва шу билан бирга “Nexia” моделининг янги русумдаги “N-150” модели ишлаб чиқарила бошланди. Шу йилнинг 27 ноябрида эса, қўшма корхонанинг конвейридан “МИЛЛИОНИНЧИ” автомобиль яъни, “Chevrolet Lacetti” автомашинаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу ўтган 16 йил мобайнида эсда қоларли кўп воқеалар содир бўлди.

Ҳозирги кунда юртимизда автомобиль саноати жадал равишда ривожланмоқда. Асака авто корхонаси яъни, “GM – Uzbekistan” ЁАЖ, мамлакатимиз автомобил саноати корхоналарини ўзида бирлаштирувчи “Ўзавтосаноат” акциядорлик компаниясининг энг йирик корхонаси ҳисобланади. Бугунги кунда қўшма корхонада турли русумдаги автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда. Албатта истеъмолчиларнинг хоҳишларини ҳисобга олган ҳолда, тўққиз хилдан ортиқ автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда ва ушбу маҳсулотнинг асосий қисми экспорт қилинмоқда. Корхона Тошкент шаҳридан 365 км узоқликда жойлашган Андижон вилоятининг Асака шаҳрида қад ростлаган. Корхонанинг умумий майдони 72 гектарни ташкил қилади, биноларининг умумий майдони эса 200 минг кв.м.ни ташкил қилади. Корхонанинг жиҳозланиш даражаси энг юқори жаҳон талабларига жавоб беради. Ишлаб чиқариш цехларида Япония, Жанубий Корея, Германия, Швейцария ва Италиядан келтирилган замонавий ускуналар ўрнатилган. Юртбошимиз И.А.Коримов айтганларидек, “келажаги буюк давлат мустақил Ўзбекистонни иқтисодиётини кундан кунга юксалтириш ва миллий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳисобига жаҳон бозорида ўз ўрнини сақлашга эришиш ҳозирги кунда асосий масалалардан биридир” Бунга биз мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳатларни амалга ошириш билан бирга ҳар бир корхона фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш ҳисобига эришишимиз мумкин.

12 йиллик тарихга эга бўлган Шарқнинг рамзи ҳисобланиб, ривожланишнинг янги босқичга ўтишни назарда тутувчи “Мучал” йили билан изоҳланади. Асака автомобиль корхонаси ўз соломаси ТАРИХига бир неча муҳим босқичларни муҳрлади. Қуйида уларни айримларини келтириб ўтамыз:

- ❖ 1992 йил июль – Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Корея Республикасига биринчи расмий ташрифи, Президентнинг “DAEWOO” гуруҳига кировчи корхоналар билан танишуви.
- ❖ 1992 йил июль – Ўзбекистон ва Жанубий Корея томонларидан Асака шаҳрида автомобилсозлик қўшма корхонаси қуриш тўғрисида Меморандум имзоланди.
- ❖ 1996 йил март – “DAEWOO” қўшма корхонаси конвейеридан “Damas” русумли автомобиль ишлаб чиқарила бошланди.
- ❖ 1996 йил июль – Асака автомобиль заводи барча линиялари тантанали тарзда ишга тушилди. Корхона конвейеридан эндиликда “Nexia”, “Damas”, “Tico” автомобиллари ишлаб чиқарила бошланди.
- ❖ 1999 йил декабрь - сифатни бошқариш тизимининг ISO 9001 халқаро стандартига мувофиқлиги сертификацияланди.
- ❖ 2001 йил май 250 мингинчи автомобиль ишлаб чиқарилди.
- ❖ 2001 йил август - “ЎзДЭУавто” “Matiz” русумли автомобиль тақдимоти ҳамда уни оммавий ишлаб чиқариш бошланди.
- ❖ 2002 йил сентябрь – “Nexia DOHC” автомобили оммавий равишда ишлаб чиқарила бошланди.
- ❖ 2003 йил февраль – сифатни бошқариш тизимининг 2000 йил версияли ISO 9001 халқаро стандартига мувофиқлиги сертификацияланди.
- ❖ 2003 йил август – автоматик узатиш қутичали “Lacetti” ва “Matiz” автомобиллари ишлаб чиқарила бошланди.

- ❖ 2005 йил январь – 1.0 л. двигатель ҳажмли “Matiz” автомобили ишлаб чиқарила бошланди.
- ❖ 2005 йил октябрь – Асака автомобиль заводи конвейеридан 500 мингинчи автомобиль ишлаб чиқарилди.
- ❖ 2006 йил февраль – янгиланган “Damas II” моделини ишлаб чиқариш бошланди.
- ❖ 2007 йил октябрь – SKD (TACUMA, ERIKA, CAPTIVA) моделлари ишлаб чиқарила бошланди.
- ❖ 2008 йил апрель - “UZ - DAEWOO” корхонаси “GM – Uzbekistan” Ёпиқ Акциядорлик Жамиятига айлантирилди ва шу билан бирга “Nexia” моделининг янги русумдаги “N-150” модели ишлаб чиқарила бошланди.
- ❖ 2008 йил апрел - Тошкент шаҳрида, “Ўзавтосаноат” АК кўргазмалар залида “Ўзавтосаноат АК – 2008 тармоқ саноат ярмаркаси” бўлиб ўтди.
- ❖ 2008 йил ноябрь – Асака автомобиль заводининг конвейеридан “МИЛЛИОНИНЧИ” автомобиль яъни, “Chevrolet Lacetti” автомашинаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.
- ❖ 2010 йил август – “Spark M-300” жаҳон андозаларига мос келадиган модел ишлаб чиқарила бошланди.
- ❖ 2012 йил март – “GM – Uzbekistan” ЁАЖда янги русумдаги “MALIBU” SKD автомобили йиғила бошлади.

Қўшма корхонанинг асосий техник – иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилар эканмиз биз бунда корхонанинг аввало бошқарув структураси билан танишиб чиқишимиз керек бўлади, чунки ҳар қандай корхонанинг бошқарув структурасисиз бошқариб бўлмайди.

Қўшма корхонанинг асосий бошқарув органи *директорлар кенгаши* ҳисобланади. Бу кенгашга бевосита бош директор, сотув бўйича директор ва бош директорнинг биринчи ўринбосари бўйсинади. Бош директорга эса бажарувчи директор, сотув бўйича бош директор ўринбосари бўйсинади.

Бошқарувчи директор бевосита 9 та бошқармага, яъни:

- қурилиш бошқармаси;
- коммунал хизмат бошқармаси;
- маъмурий бошқарма;
- локализация бошқармаси;
- ҳарид бошқармаси;
- муҳандислик маҳсулотлари бошқармаси;
- кафолат ва харажатлар бошқармасини бошқаради ва назорат

килади.

Сотув бўйича бош директор ўринбосари сотиш ва маркетинг дирекциясини назорат килади. Менежмент стратегияси бўйича бош директор ўринбосари тўрт бўлимни бошқаради, булар молия бошқармаси, сифат ва менежмент бўлими, режалаштириш бўлими ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш бўлимларидир.

Шунингдек автосервис ва сотув бўйича директор ўринбосарлари, умумий бўлими ва кадрлар бўлими мавжуд.

Бухгалтерия ҳисоби бўлими олтита бўлимни ўз ичига олади, улар: умумий бухгалтерия, молиявий ҳисоб, савдо ҳисоби, нарх ва хом ашё ҳисоби, мулкни бошқариш ва сотиш секцияларидир.

Ишлаб чиқариш бўлими таркибида ишлаб чиқариш назорати, хом ашё билан таъминлаш, хом ашёни саклаш бўлимлари киради. Ишлаб

чиқариш жараёнида тўртта цех фаолият кўрсатади. Булар пресслаш цехи, пайвандлаш цехи, бўёклаш цехи ва йиғув цехларидир.

Иқтисодий ривожлантириш бўлимида савдо ва автосервис бошқармаси ҳамда иқтисодий ва савдони режалаштириш, ахборот таҳлил бўлимлари мавжуд.

Кафолат ва сифат бўлими, сифат кафолати ва назорати бўлимларидан иборат. Сифат назоратида кимёвий ва электр ҳамда механика, пресслаш қисмлари назорат қиладилар. Мухандислик маҳсулотлари бўлимига мухандислик маъмурияти, йиғув, синов бўлимлари бирикади.

Харид бўлимида комплект қисмлари маҳсулоти ва хом ашё, транспортларни эксплуатация қилиш бўлимлари мавжуд.

Қурилиш бошқармаси корхонанинг таъмирлаш ишлари, омборхоналар қуриш билан шуғулланади. Локализация бошқармаси эҳтиёт қисмларни маҳаллийлаштиришни кўзда тутаяди, корпоратив инновация бошқармасида янгиликлар ихтиролар, изланишлар олиб борилади.

2009-2011 йилги “GM – Uzbekistan” ЁАЖнинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларини 2.1.1-жадвал бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари бўйича “GM – Uzbekistan” корхонаси қуйидаги натижаларга эришди.

2009 йил якунига кўра амалдаги нархларда, яъни, маҳсулот таннархи 2273591297 млн.сўмлик, 205011 дона автомобиль ишлаб чиқарилди. 2010 йил якунига кўра маҳсулот таннархи 2625922060 млн.сўмлик, 217733 дона автомобильлар ишлаб чиқарилди. 2011 йил якунларига кўра эса, маҳсулот таннархи 3053640885 млн. сўмлик, 222022 дона автомобиль ишлаб чиқарилган.

2.1.1 - жадвал

“GM – Uzbekistan” ЁАЖ нинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари.

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2011-2009 йилга нисбатан фарқи		2011-2010 йилга нисбатан фақи	
			2009	2010	2011	(+,-)	(%)	(+,-)	(%)
1	Товар маҳсулот ҳажми	дона	205 011	217 733	222 022	17 011	108	4 289	102,0
2	Ишлаб чиқариш ҳодимларининг йиллик ўртача сони	киши	6420	7002	7038	618	109,6	36	100,5
	Шу жумладан:								
	Инженер техник ҳодимлар сони	киши	272	305	335	63	123,2	30	109,8
	Ишчилар сони	киши	5430	6033	6703	1273	123,4	670	111,1
3	Аёллар салмоғи	%	4,6	4,5	4,3	-0,3	93,5	-0,2	95,6
4	Кадрлар қўнимсизли	%	7,1	5,7	4,3	-2,8	60,6	-1,4	75,4
5	Маҳсулот таннарихи	млн. сўм	227359.1	262592.2	305364.1	780049,6	134,3	427718	116,3
6	Меҳнат унумдорлиги	млн. сўм	486	545,5	605,1	119,1	124,5	59,6	110,9
7	Иш ҳақи жамғармаси	млн. сўм	423658.6	522885.0	645384.6	221726.0	152,3	122499.6	123,4
8	Ўртача ойлик иш ҳақи	млн. сўм	743	825	917	174	123,4	92	111,2
9	Соф фойда	млн. сўм	181887,3	238720,2	335900,5	154013,2	184,7	971803,1	140,7
10	Рентабеллик даражаси	%	8	10	11	3	137,5	1	110,0

*Манба: “GM–Uzbekistan” ЁАЖ маълумотлари ва муаллиф ишланмаси

Демак, 2009 йилни жорий 2011 йилга нисбатан оладиган бўлсак маҳсулот ҳажми кўрсаткичи 108.3 фоиз ўсиш суръатига эришилди. 2010 йилга нисбатан 2011 йилда 102.0 фоиз ўсиш суръатига эришган.


Корхонада ишчилар сони ортиб боришига қарамасдан корхонанинг меҳнат унумдорлиги ҳам ўсиш суръатларига эга. Ишлаб чиқаришда ходимларнинг йиллик ўртача сони 2009 йилда 6420 тани, 2010 йилда 7002 та ва 2011 йилда эса 7038 нафарни ташкил қилади. 2009 йилда меҳнат унумдорлиги 486.4 минг сўмни, 2010 йилда 545.5 минг сўмни, 2011 йилда эса 605.1 минг сўмга ортиб, 2011 йил 2009 йилга нисбатан 119.1 фарқ билан 124.5 фоизга ошган. 2011 йил 2010 йилга нисбатан 59.6 фарқ билан 110.9 фоизга ошган. Шу жумладан: Инженер техник ходимлар сони 2009 йилда 272 тани, 2010 йилда 305 тани, жорий 2011 йилда эса 335 нафарни ташкил қилган. 2011 йил 2009 йилга нисбатан 123.2 фоизга, 2011 йил 2010 йилга нисбатан 109.8 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга иш ҳақи жамғармаси ҳам 2009 йилда 4236586 минг сўмни, 2010 йилда 5228850 минг сўмни ва жорий 2011 йилда эса 6453846 минг сўмни ташкил қилган.

Иқтисодий салоҳиятни юксалтириш учун олиб борилаётган иш ўринларини яхшилаш, ишлаб чиқариш технологияларини модернизация қилиш туфайли корхонанинг соф фойдаси 2011 йил 2009 йилга нисбатан 184.7 фоизга, 2011 йил 2010 йилга нисбатан 141.7 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин.

Корхонанинг яна бир муҳим иқтисодий кўрсаткичларидан бири рентабеллик даражаси, бу корхонанинг самарали фаолиятига якуний баҳо берувчи кўрсаткич ҳисобланади. У олинган фойдани маҳсулот тан нархига нисбати билан аниқланади (2.1.2 - расмга қаранг).

Бунда корхона 2011 йил 2009 йилга нисбатан оладиган бўлсак 137.5 фоизга, 2011 йил 2010 йилга нисбатан эса 110.0 фоизга орттириш ютуқларига эришилган.

Корхонада ходимларни рағбатлантириш, уларни турмуш даражасини ошириш ва шу каби масалаларни яхшилашда албатта уларнинг иш ҳақиға эътибор бермоқ лозим. Бунда ўртача иш ҳақини таҳлил қилиш керак бўлади.



*Манба: “GM – Uzbekistan” ЁАЖ маълумотлари ва муаллиф ишланмаси

Корхонанинг таҳлилига кўра ўрта иш ҳақи 2009 йилда 743 минг сўмни, 2010 йилда 825 минг сўмни ва 2011 йилда эса 917 минг сўмни ташкил қилган. Шу жумладан 2011 йилни 2009 йилга нисбатан оладиган бўлсак 123.4 фоизни, 2011 йил 2010 йилга нисбатан 111.2 фоизга ошган. Шу ўринда корхона иқтисодий салоҳиятини оширишда кадрларнинг қўнимсизлик даражаси жуда катта рол ўйнайди, чунки, кадрларнинг қўнимсизлик даражаси юқори бўлса, юксалиш даражасига ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қолмайди. Шунга кўра корхона кадрларнинг қўнимсизлик

даражаси таҳлили натижаси қуйидагича; 2009 йилда 7.1 фоизни, 2010 йилда 5.7 фоизни ва 2011 йилда эса 4.3 фоизни ташкил қилган. Бундан кўриниб турибдики, корхонанинг кадрларнинг кўнимсизлик даражаси йилдан – йилга камайиб борган. Бунинг боиси шундаки, корхона ичида алоҳида ўқув марказини барпо қилган бўлиб, корхона ўз ходимларини янада малакали қилиш учун ўз ходимларини чет элдаги ҳамкорлари билан биргаликда малака ва изланишлар ҳамда тажрибалар алмашиниб туришилади. Ҳозирда ҳам бу жараён тўхтовсиз ишлаб келинмоқда.

Корхонада аёллар салмоғи 2009 йил якунига кўра 4.6 фоизни, 2010 йил 4.5 фоизни ва 2011 йилда эса 4.3 фоизни ташкил қилган.

“GM–Uzbekistan” ЁАЖ корхонасининг мамлакатимиз иқтисодиётига қўшаётган хиссаси тобора кенгайиб бормоқда. Юртимиз автосаноатга асос солгандан буён ташқи бозорда ҳам ички бозорда ҳам автомобилларимиз йил сайин харидоргир бўлиб бораётганлиги албатта қувонарли ҳолдир. Бу фикрни “GM–Uzbekistan” автокорхонанинг сўнги уч йиллик таҳлил натижалари ҳам тасдиқлайди. Корхона фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, аввало сўнги уч йил ичида ишлаб чиқарган маҳсулотлар турларини кўриб чиқамиз. Бунда бизга қуйидаги жадваллар керак бўлади.

2.1.3-жадвал.

Маҳсулот (хизмат) турлари

Маҳсулот (хизмат) турлари	Йиллик ишлаб чиқариш қуввати (дона)
Автомобиль	245 000
A/S кузовлари	475

*Манба: “GM–Uzbekistan” ЁАЖ маълумотлари ва муаллиф ишланмаси

Қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибдики, корхонанинг маҳсулот (хизмат) хизмат турлари яъни, йиллик ишлаб чиқариш қувватлари 245 минг

донани ташкил қилади. Шу жумладан А/С енгил автомобил кузови йиллик 475 донани ташкил қилиб, ўзимизнинг ички бозорга сотилади.

2.1.4-жадвал.

Корхона фондининг таркиби

№	Акциядорлар	Улуши	Акциялар сони	Акцялар қиймати (минг сўмда)
1	Давлат улуши	76	210,7	210.7 млн.\$
2	Хорижий инвесторлар	24	56,2	56.2 млн.\$
	Жами	100	267,9	266.9 млн.\$

*Манба: “GM–Uzbekistan” ЁАЖ маълумотлари ва муаллиф ишланмаси

Корхона фондининг таркиби яъни, акциядорлар улуши; шу жумладан: Давлатимиз улуши 76 фоизни, акция қиймати 210.7 млн. “\$” долларни, Хорижий инвесторлар улуши эса 24 фоизни, акция қиймати 56.2 млн. “\$” долларни ташкил қилади.

2.1.5-жадвал.

Корхона маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажми (минг дона)

№	Маҳсулот турлари	2009			2010			2011		
		Режа	Амалда	%	Режа	Амалда	%	Режа	Амалда	%
1	Damas	23633	23633	100	20000	17921	89.6	20000	20000	100
2	Matiz	69130	69130	100	60000	74254	123.8	60000	50000	83.3
3	Spark				20800	14000	67.3	50000	30000	60
4	Nexia	90650	90650	100	80000	80668	100.8	80000	88000	110
5	Lacetti	19400	19400	100	30000	24157	80.5	30000	27000	90
6.	Epica, captiva	2 198	2 198	100		5 000			5 000	

*Манба: “GM–Uzbekistan” ЁАЖ маълумотлари ва муаллиф ишланмаси

Юқоридаги жадваллардан бирида корхона маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажми кўрсатиб ўтилган. Унда ўтган даврдаги уч йиллик кўрсаткичлар таҳлил қилинган.

Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати

№	Маҳсулот номи	2011 йил			2011 йил ҳақиқатда	2010 йилда ҳақиқатда	2010 йилга нисбатан (%)
		Режа бўйича қуввати	Ҳақиқатда	Режани бажариш (%)			
1	Damas	21770	20000	91.9	20000	20900	104.5
2	Matiz	61000	59770	98.0	59770	72000	120.5
3	Spark	36800	34400	93.5	34400	7797	22.7
4	Nexia	85000	85000	100.0	85000	87000	102.4
5	Lacetti	24000	22330	93.4	22330	24000	107.5
6	Epica, Captiva	4500	4447	98.8	4447	5000	112.4

*Манба: “GM–Uzbekistan” ЁАЖ маълумотлари ва муаллиф ишланмаси

Яна бир маълумотларидан бири корхона маҳсулотининг ишлаб чиқариш қуввати ҳақида таҳлил қиладиган бўлсак, бунда ўтган даврдаги кўрсаткич билан яъни, 2010 йил 2011 йилга нисбатан Damas русумли автомобил 104.5 фоизга, Matiz русумли автомобил 120.2 фоизга, Spark русумли автомобил 22.7 фозизга, Nexia русумли автомобил 102.4 фоизга, Lacetti русумли автомобил 107 фоизга ва Epica, Captiva русумли автомобиллар эса 112.4 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин.

2.2 Ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш амалиёти.

Корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш ёки унинг узок йиллик иқтисодий барқарорлигини таъминлаш учун унга таъсир этувчи муҳим омилларни ҳисобга олиш ва уларни ўрганиб чиқиш зарур. Ҳалқаро иқтисодий тажрибалардан маълумки ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини ташкил этишда тузиладиган бизнес режаси пировардида, асосий мақсади максимал фойда олишни кўзлайди. Бунинг учун ташкил этаётган фаолиятига таъсир этувчи барча омилларини ўрганиб чиқиб, олиб борилган таҳлил асосида ўз режасини тузиб олади ва шу асосида иқтисодий салоҳиятга таъсир этувчи қуйидаги асосий омилларни келтириб ўтишимиз мумкин:

- ➡ корхонанинг меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси;
- ➡ корхонанинг асосий воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги;
- ➡ маркетинг фаолиятида сифат даражаси;
- ➡ ташқи иқтисодий фаолиятини кўлами ва бошқалар.

“GM – Uzbekistan” ЁАЖ фаолияти миқёсида таҳлил этиб иқтисодий салоҳиятни ва барқарорлигини таъминлаш йўлидаги муаммоларни, келиб чиқиш сабабларини ҳамда уни бартараф этиш чоратadbирларини ўрганиб чиқамиз.

Ҳозирги кунда корхона меҳнат унумдорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилашда янги-янги усуллар тадбиқ қилинмоқда. Биз ўрганилаётган “GM–Uzbekistan” қўшма корхонамизда айна шу дамларда ҳар бир бўлимда ходимлар 5S принципларига таяниб иш олиб боришни йўлга қўйилган.

Улар қуйидагилардан иборатдир:

1. **Ажратиш (*Selection*)** - иш жараёнидаги барча керакли ва кераксиз меҳнат воситалари, жихоз ва материалларни синчковлик билан ажратиб олиб, тартибга солиш;
2. **Саралаш (*Sorting*)** - керакли ҳар бир меҳнат воситаси, жихоз ва материаллар учун аниқ жой белгилаш ва ўша жойда туришни таминлаб бериш;
3. **Тозалик (*Sweeping*)** чанг, кир ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини мунтазам бартараф этиш ҳамда шу билан бирга иш жойини текшириш;
4. **Риоя қилиш (*Sustain*)** юқорида кўрсатилган уч тамоилларни тўлиқ бажарилишини таъминлаш ва стандартлаштириш;
5. **Шахсий интизом (*Selfdiscipline*)** – меҳнат фаолияти жараёнини доимий такомиллаштиришда шахсий интизомга риоя қилиш ютуққа олиб келишга ишонч уйғотади.

Шунингдек корхонанинг аввалги ишларини ягона яхлит оила бўлиб иш кўриши, маҳсулот сифатини яхшилаш, истеъмолчи талабини қондириш бўлган бўлса, эндиликда ходимлар хавфсизлиги олдинги ўринларга қўйилган.

Ойлик мукофот пули беришда ишлаб чиқариш режасини бажарганлик учун 10 фоиз, сифатли маҳсулотлар учун 10 фоиз, хавфсизлик қоидаларига риояси учун 5 фоизни, жами 25 фоизлик мукофот ажратилган. Корхона фаолиятини яхшилашнинг амалий йўллари сифатида корпоратив бошқарув фаолиятини ва рационализаторлик таклифи (инновация)ни келтириш мумкин. Корпоратив бошқарув жаҳон бозорини ўрганиш, унинг фойдали томонларини корхонада тадбиқ қилишдан иборат. Бу таннархни камайтириш экспорт ва импорт бозорини яхшилашга олиб келади.

Рационализаторлик таклифи ихтиро ва сифат тўғарагидан иборат бўлиб, ихтиро кўплаб фикр ва мулоҳазалар беради, бундан кўзланган мақсад юқори фойда олишдир. Сифат тўғарагида эса маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилади.

“GM–Uzbekistan” ЁАЖда ходимларга иш хақи тўлаш тартиби.

Ҳар бир корхонада бўлгани каби бу корхонада ҳам ҳар ойда ходимларга иш хақи тўланади. Ходимлар иш хақи вақтбай шаклда тўланади. Ҳар бир ишчи учун иш соати бир кунда саккиз соат ҳисобланади. Базида эса экспортда талаб кучайиб кетса ўн бир соатни ташкил қилади, албатта ходимларнинг розилиги билан. Бир ой учун иш соати ўртача бир юз етмиш олти соат қилиб белгиланган. Ходимларга иш хақи “DRAFT REPORT” системасига кўра тоифалар бўйича тўланади, яъни; E1-E8, F1-F2, L1- L3 тоифаларда иш хақи ҳисобланади.

E1-E8 тоифа бўйича иш хақи инженер-техник ходимларга тўланади. L1- L3 тоифа бўйича ишчи ходимларга иш хақи тўланади.

Шу жумладан: E1 – кичик хизматчи E2 – инженер хизматчи, E3 – инженер, E4 – ассисент менежер, E5 – менежер, E6 – ассисент ген. менежер, E7 – ген. менежер, E8 – директор, L1 – оддий ишчи хизматчи, L2 – малакали ишчи, L3 – юқори малакали ишчиларга иш хақи тўланади.

Ўз навбатида бу тоифалар йигирмата разрядни ўз ичига олади. Агарда бир тоифадан иккинчи тоифага ўтиш учун ўн бешта разряд тўплаши керак бўлади. Ҳар йили, яъни, яхши фаолият олиб борса тўрт разряд қўшиб берилади. Энг кам иш хақи саксон мингдан юқори, энг кўп иш хақи бўлса, бундан тўрт-беш баробар юқори ҳисобланади. Бевосита ходимлар ҳам 32 фоиз даромад солиғи тўлайдилар. Кечки сменада ишлаган ходимларга 1,5 баробар иш хақи тўланади.

Агарда иш вақтида ошиқча ишлаган бўса, ошиқча ишлаган иш соатига 2 баробар иш ҳақи тўланади.

Мукофот пули тўлаш асосан Наврўз, Хайит, Мустақиллик байрамлари ва Янги йил байрамлари арафасида берилади. Мукофот пули асосан ишлаб чиқаришда компаниянинг қатнашишига қараб тўланади.

Корхонада ходимлар бошқаруви, меҳнат кўрсаткичлари нормаларига катта эътибор берилиб, бу борадаги ишларга илмий жиҳатдан ёндашилиб иш жараёнлари қулай вариантларда ташкил этилган. Мисол учун ишчи ходимлари ҳар бир лавозимларга тақсимлашда қуйидагича тартибда амалга оширилади. Буни исботи сифатида қуйидаги **II.2.1-жадвал**(“GM – Uzbekistan” ЁАЖнинг ходимлари таркиби тўғрисидаги) маълумотларни таҳлил қилиб чиқамиз.

Бунда раҳбарлик лавозимидаги ходимлар умумий ишчилар сонининг 1.4 % ни ташкил этади, барча бўлим бошлиқлари эса 2.43 % ни, умумий цех назорати бошлиғи жами ишчилар сонининг 2.77 % ни, инженер ходимлар эса 2.4.3 % ни ташкил этади. Юқорида санаб ўтилган лавозимдаги ходимлар албатта олий маълумотли бўлишлари ва корхонадаги узоқ йиллик иш фаолиятига эга бўлишлари шарт. Ходимларнинг бундай тақсимотига асос бўлиб иш жойларидаги меҳнат нормалари ҳисобланади. Жами ишчилар миқдорининг катта қисмини ўрта-махсус маълумотли ишчи-ёрдамчилар ташкил этади.

Қуйидаги жадвал маълумотидан кўриниб турибдики корхона 2011 йилда жами 6368 та ишчи-хизматчилар самарали меҳнат қилишган бўлса, шундан 288 нафарини аёллар ташкил этган. 185 нафари эса Корея давлатида ўз билимларини оширмоқдалар.

Ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақлари (берилган моддий ёрдамлар, мукофот пуллари, хизмат сафари харажатлари,

рационализаторлик таклифлари бўйича мукофот пуллари билан бирга ҳисобланганда) 917 минг сўмни ташкил этади.

“GM – Uzbekistan” ЁАЖ да ходимлар таркиби таҳлили.

2.2.1 – жадвал.

№	Кўрсаткичлар	Йиллар			2010 йил 2011 йилга нисбатан (%)
		2009	2010	2011	
1	Инженер-техник ходимлар	272	305	335	109.8
	<i>Шу жумладан</i>				
	Рахбар (олий)	71	78	92	117.9
	Инженер (олий)	130	144	163	113.2
	Хизматчи (олий, ўрта)	59	66	80	121.2
2	Ишчилар	5158	5731	6368	111.1
	<i>Шу жумладан</i>				
	Уста (олий, ўрта)	152	168	186	110.7
	Жамоа бошлиғи (олий, ўрта)	448	542	606	111.8
	Ишчи-ёрдмчи (ўрта махсус)	3692	4102	4564	111.3
3	Касаначилар	314	349	395	113.1
4	Малака оширишдагилар	146	162	185	114.2
5	Синовдаги кадрлар	195	217	246	113.4
6	Хизмат сафари, декрет, татилдагилар	147	162	186	114.8
7	Аёллар салмоғи (%)	4.6	4.5	4.3	-
Жами:		5430	6033	6703	111.1

*Манба: “GM–Uzbekistan” ЁАЖ маълумотлари ва муаллиф ишланмаси

Таҳлилнинг энг муҳим жиҳати ва асосий мақсади натижа ўзгаришига алоҳида омиллар таъсирини ҳисоблашдан иборатдир. Бу ерда натижавий кўрсаткич сифатида иқтисодий салоҳият самарадорлигининг ҳар бир кўрсаткичини олиш ва уларни алоҳида таҳлил қилиш йўллари ишлаб чиқиш мумкин.

Олиб борилаётган таҳлилнинг асосий услуби сифатида биз иқтисодий салоҳият рентабеллиги кўрсаткичининг омилли таҳлиliga тўхталишни мақсадга мувофиқ деб топишни маъқул кўрдик. Чунки бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида ҳар бир кўрсаткичнинг фойдалилиги кўрсаткичлар тизимида муҳим ўринни эгаллайди.

Корхона иқтисодий салоҳияти рентабеллиги ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- Фойданинг даромаддаги ҳиссаси (Фд)- X_1 ;
- Даромаднинг маҳсулот ҳажмидаги ҳиссаси (Дм)- X_2 ;
- Иқтисодий салоҳиятнинг натижавийлиги (ИсQ)- X_3 .

Ушбу омиллар ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$\text{Иср} = \text{Фд} \times \text{Дм} \times \text{ИсQ} = X_1 \times X_2 \times X_3 = \sum_{i=1}^n X_i.$$

Ушбу омилларнинг натижага таъсирини аниқлаш учун олдин омилларнинг миқдори аниқланади. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (2.2.2 – жадвал).

Иқтисодий салоҳият самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг
миқдорини аниқлаш ҳисоб – китоби

2.2.2 – жадвал.

№	Кўрсаткичлар	Йиллар			Фарки (+,-)	Ўсиш суръати, %
		2009	2010	2011		
Ҳажм кўрсаткичлари						
1	Фойда (млн. сўм)	505152.3	561279,6	781090,9	219811,2	139.1
2	Даромадлар (млн. сўм)	199722.4	221913,7	257382,9	354691,9	115.9
3	Сотилган маҳсулот ҳажми (млн. сўм)	391348.2	434831,4	560300,8	125496,4	128.8
4	Иқтисодий салоҳиятнинг ўртача қиймати*	1166650	119161,5	132359,4	131978,5	111.1

*Манба: “GM–Uzbekistan” ЁАЖ маълумотлари ва муаллиф ишланмаси

**Меҳнат салоҳиятининг ўртача йиллик қиймати ўтган 2009 йилда 27540 млн. сўмни, 2010 йилда 30600 млн. сўмни ва 2011 йилда эса 36000 млн. сўмни ташкил қилган.*

Кўриниб турибдики, омилли таҳлил ҳозирги шароитда ички имкониятларни ахтариб топиш учун муҳим иқтисодий дастаклардан бири экан. Шу туфайли унинг асосини яратиш муҳим масалалардан биридир.

2.3 “GM-Uzbekistan” ЁАЖда экспорт имкониятларини баҳолаш.

Мустақил ватанимиз иқтисодиётининг энг ёш ва шу билан бирга жадал ривожланиб бораётган тармоғи фаол ва ўзаро фойдали ҳамкорлик учун барчага очикдир. Ҳозирги кунда “Ўзавтосаноат” АК корхоналари “ЧНТАИЧБ” ДАЖ, “Ўзбекнефтгаз” МХК, “Кимёсаноат” ДАЖ ва “Элтехсаноат” корхоналари билан ҳамкорлик қилиш баробарида Россия, Хитой, Польша, Германия, Хиндистон ва бошқа кўплаб мамлакатлар билан узвий алоқаларини йўлга қўйган.

Экспорт салоҳиятини ошириш – “Ўзавтосаноат” АК фаолиятининг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади. Тўлақонли автомобиль тармоғини шакллантириш молиявий таъминот ва тартибга солишнинг ишончли механизми мавжуд бўлишини, айланма воситалар билан ўзини-ўзи таъминлашга эришишни назарда тутади. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида автомобил бозорларини ўзлаштиришни жадаллаштириш ва автомобилларни экспорт қилиш ҳажмини ошириш учун савдо корхоналарининг кенг тармоғи ташкил этилган. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги таркибидаги 10 та мамлакатнинг 104 та шахрида 144 та фирмалардан таркиб топган кенг тармоқли диллерлик тармоғи фаолият кўрсатмоқда. Бундай стратегия ўзбек автомобилларига қатъий рақобатли чет эл бозорида ўз ўрнини топиш ва ишончли нуфузга эга бўлиш, сотувлар ҳажмини ошириш имконини берди.

Ҳозирги кунда "GM-Uzbekistan" ЁАЖнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларга сотаётган автомобиллари турлари ва миқдорини корхонанинг уч йиллик маълумотлари асосида тайёрланган жадвал бўйича таҳлил қиламиз (2.3.1-2.3.2-жадваллар).

Маълумки, автомобилларнинг мувофақиятли сотилиши кўп жиҳатдан сотувлар ва сотишдан кейинги сервис хизматлари кўрсатишни ташкил этиш қай даражага эга эканлиги билан боғлиқ.

Ҳозирги вақтда “Ўзавтотеххизмат” ОАЖ тизими корхоналари илгари “Ўз-ДЭУавто” ЁТАЖ фирма номига эга бўлган “General Motors” ёпиқ акциядорлик жамиятининг автомобилларни сотиш бўйича диллери ҳисобланади. Мамлакатимиз автокорхонаси конвейридан чиққан, юқорида айтиб ўтилган моделдаги дастлабки автомобилларни сотиш ҳуқуқи “Ўзавтотеххизмат” ОАЖ га беилди. Ҳозирги тизимимиз автосалонларида “Nexia”, “Matiz” ва “Damas” моделлари билан бир қаторда “Chevrolet” автомобилларига ҳам талаб юқори. Республикамиз аҳолисига 2011 йилда 1 835 та “Captive”, 3 185 та “Epica”, 23 917 та “Lacetti”, 1 722 та “Spark 1.0”, 6 075 та “Spark 1.2” русумли автомобиллар сотилди. Янги “Nexia 1.6” автомобили интеръери деярли тўлиқ ўзгартирилди. Асбоблар панели ва марказий консол конструкцияси янги технологиялар ёрдамида яхшиланди.

Рул чамбараги конструкциянинг қўшимча яхшиланишлари ҳисобидан модернизация қилинди. Эшиklar қопламаси тўлиқ ўзгартирилди, улар эндиликда полимер материалларни инъекцион формовкалаш усули билан тайёрланмоқда. Ўриндиқлар учун ҳам янги материаллардан фойдаланилмоқда. Янгиланган “Nexia 1.6” ички бозорда “Chevrolet” бренди остида, экспорт варианты “Daewoo” бренди остида “Ўзавтосаноат” АКнинг фаолият кўрсатиб турган диллерлик тармоқлари остида сотилади. Импорт қилинаётган бутловчи қисмлар ва деталларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, янги базавий ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш, бу бутловчи қисмлар ва материалларни харид қилиш учун сарфланадиган валюта маблағларини тежаш имконини беради.

Корхона 2009 йилда жами 205 011 дона автомобиль ишлаб чиқариб, шундан 162 100 донаси ички бозорга, 40 179 донаси экспорт қилинган. 2010

йилда жами 217 733дона автомобиль ишлаб чиқарилиб, шундан 144 219 донаси ички бозорга, 80 995 донаси чет мамлакатларига сотилган, 2011 йилда эса 222 022 донаси ишлаб чиқарилган бўлиб, шундан 117 522 донаси ички бозорга ва 107 831 донаси чет мамлакатларига сотилган. 2011-йилда 2010 –йилга нисбатан экспорт салоҳияти 102 фоиз бўлган бўлса, 2011 йил 2009 йилга нисбатан 268 фоизга ошган. Ушбу завод билан ҳамоҳанг равишда янги ишлаб чиқариш корхоналари, сотув шахобчалари, қўшимча ишчи ўринлар барпо бўлмоқда.

2011 йил якунига асосан корхонамизда режадаги 94 турдаги бутловчи қисмлар ўрнига 112 турдаги деталлар маҳаллийлаштирилди.

Ички ва ташқи бозорлардан бир ярим йиллик давомида маҳсулот сифатига харидорлар томонидан билдирилган эътирозлар корхона мутахассислари томонидан муҳокама қилиниб, керакли зарур чоратадбирлар белгиланиб, амалий чоралар кўрилмоқда.

Хозирги кунда аниқланган муаммоларни бартараф қилиниши керак бўлган ишларнинг бажарилиши раҳбарият томонидан қаттиқ назоратга олиниб, ҳар кунги натижалар йиғилишларда кўриб чиқилиб, таҳлил қилиб, уларни зудлик билан амалиётга тадбиқ қилиш ишлари бажарилмоқда.

Мавжуд муаммоларнинг асосий сабаблари GM DAT дан олинаётган эҳтиёт қисмлардан келиб чиқмоқда. Биз қуйида уларнинг айримларини кўсатиб ўтамыз:

“NEXIA” автомобили бўйича;

- Тезлик датчиги ишламаслиги,
- Инжекторнинг ишламаслиги,
- Бензобокдаги (памперс)ининг тез ишдан чиқиши,
- “Тормозной накладкa”ларнинг тез емирилиши,
- Бензонасос ишламаслиги,

“MATIZ” автомобили бўйича;

- Олди амортизаторидан мой
оқиши,

“DAMAS” автомобилида эса;

- Дифференциалида товуш
чиқиши ва эшикларнинг (ошиқ
- мошиқ)ларида носозлик ва
бошқалар.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун корхона 2011 йилнинг биринчи
ярим йилликда режалаштирилган янги лойиҳалар учун 51 733 млн. сўмни
ажиратди ва бу ишлар амалга оширила бошланди.

“GM – Uzbekistan” ЁАЖ нинг ички бозорга ва экспортга ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таҳлили.
2.3.1-жадвал.

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирилиги	Йиллар			2011-2009 йилга нисбатан фарқи		2011-2010 йилга нисбатан фарқи	
			2009 йил	2010 йил	2011 йил	(+,-)	(%)	(+,-)	(%)
1	Ишлаб чиқарилган автомобиллар	Дона	205 011	217 733	222 022	17 011	108	4 289	102
2	Ички бозорга сотилган автом	Дона	162 100	144 219	117 522	-44 578	72	-26 697	81
3	Экспорт	Дона	40 179	80 995	107 831	67 652	268	26 836	133

*Манба: “GM–Uzbekistan” ЁАЖ маълумотлари ва муаллиф ишланмаси

“GM-Uzbekistan” ЁАЖ нинг 2009-2011 йилги ишлаб чиқарилаган ва сотилган автомобиллар диаграммаси



*Манба: “GM-Uzbekistan” ЁАЖ маълумотлари ва муаллиф ишланмаси

III – БОБ. “GM-Uzbekistan” ЁАЖда ишлаб чиқариш салоҳиятини яхшилаш йўллари.

3.1 “GM-Uzbekistan” ЁАЖ да ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишда маҳсулотни маҳаллийлаштириш.

Эркин бозор иқтисодиёти чуқур ислохотларни амалга оширишни талаб қилмоқда. Илмий – техник юксалиши, ишлаб чиқариш салоҳиятининг ўсиши, унинг юқори даражасини таъминлашнинг муҳим омили бўлган ва бўлиб қолади. Ҳозирги вақтгача илмий – техниканинг ривожланиши шиддатли ривожланиб келмоқда. Бунга “NANA” технологияларини мисол тариқасида олишимиз мумкин.

Корхоналарда ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш учун фан – техника тараққиёти қуйидаги имкониятларни яратиш берди:

- Илғор технологияларни жорий этиш;
- Янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар яратиш;
- Прогрессив мембриан, лазер, плазма технологиялар ўта юқори босим ва импульсли нагрузкалардан фойдаланиш технологияларни кенг миқёсда ўзлаштириш;
- Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, робототехникани ротор ва ротор – конвейр линияларини, юқори меҳнат унумдорлигини таъминловчи автоматлаштирилган энчлик ишлаб чиқаришни тез ўстириш;
- Янги кўринишли металл маҳсулотларини, пластмассаларини, композитларини, металл кукунларини, сопол ва бошқа прогрессив конструктив материалларни яратиш ва фойдаланиш ва бошқалар.


Бундан ташқари, ишлаб чиқариш жараёнларидаги ишчи муҳитини илмий ташкил этиш, меҳнат кўрсаткичлари нормативларини тўғри ташкил этиш, ишчилар салмоғи ҳақида қайғуриш, бунда салоҳият даражаси юксалади.

Бозор муносабати ривожланган сари корхонада ишлаб чиқаришнинг келажак ривожига салмоқли хисса қўша бошлашди. Янги техника - технологияга, ишлаб чиқаришни янгилашга, янги маҳсулотни ўзлаштириш ва уни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни ҳамда унга жиддий эътиборини қаратиб зарур воситаларни сотиб олишди.

Ўтган йили амалга оширилган реконструкциялаш ишлари ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини ошириш имконини берди. Хусусан, корхонада конвейр линияси модификация қилинди, идентификация рақамини киритиш учун янги лазер машина ўрнатилди, геметизация линияси 18 метрга узайтирилди, “Chevrolet COBALT”ни ишлаб чиқариш линиясида конвейр ишлари ва бўёқлаш автоматлари учун янги дастур ҳамда янги автоматлар жорий қилинди ва конвейрга қўйилди. “Chevrolet COBALT” автомобилини ишлаб чиқариш учун махсус кузов панелларини штамповка қилиш йўлга қўйилди, пайвандлаш участкасида ҳам реконструкция ишлари олиб борилди, яъни у ерда “Chevrolet COBALT” авто машинаси учун пайвандлаш цехидан бўёқлаш цехига қобиғли конвейр олиб ўтилди. Янги модель - “Chevrolet COBALT” юқори техник ютуқларини, Бразилияча дизайни, юқори сифатли йиғиш амалиётини ўзида мужассам этган. Автомобилни лойиҳалаштириш чоғида пассив хавфсизликка алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ишлаб чиқариш салоҳиятини ортиши маълум бир миқдорда асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланишга боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш фондларида самарали фойдаланиш биринчи навбатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори ортишига, сифати яхшиланишига, таннарх пасайишига олиб келади. Ўтган йилларда корхонада салоҳиятни

ошириш учун олиб борилган тадбирлар натижасида маҳсулот хажми ўзгаришини қуйидаги 3.1.1-расм олқали кўришимиз мумкин.



*Манба: “GM-Uzbekistan” ЁАЖ маълумотлари ва муаллиф ишланмаси

3.1.1-расм. “GM-Uzbekistan” ЁАЖда маҳсулот хажмининг ўзгариш динамикаси.

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, корхонада 2006 йилда ва 2008 йилларда маҳсулот ўсиш суръатлари тушганлигини, бунинг сабаби 2006 йилдан 2008 йилгача деярли барча деталлар (ресурс ва хом ашёлар) чет мамлакатларидан келтирилар ва чет эл валютаси (доллар)да сотиб олинар эди. Корхонада ўсиш суръатларнинг пасайиши 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi ҳам ўзининг таъсирини кўрсатди. Эндиликда эса барча маҳсулотлар аста-секинлик билан ўзлатирилмоқда.

“GM-Uzbekistan” ЁАЖ корхонасининг ташкил топган вақтдан бошлаб мамлакатимизда шу вақтгача машиналар ишлаб чиқаришга кетадиган асосий қисмларни етказиб бериш учун маҳаллийлаштириш дастурлари асосида мамлакатимиз ҳудудида 20 дан зиёд қўшма корхоналар ва 100 дан зиёд маҳаллий корхоналар қурилиб фаолият юритиб келмоқда. Мисол тариқасида биз республикаimizдаги ана шундай корхоналарни баъзиларини қуйида келтириб ўтишимиз мумкин(3.1.2-расм). “Уз-Корам” корхонаси бампер ва панел инструментлари етказиб бермоқда. “Уз Тонг Хонг” корхонаси ҳам қурилиб фаолият юрита бошлагандан буён ўриндиқ етказиб

беришни йўлга қўйган. Бу корхоналар автомобиллар учун бамперлар, панел инструментлари ва сидениялар етказиб бермоқдалар.

3.1.2-расм

№	VR CODE	Предприятия локализации	Примечание
1	P002	J/S "ANZIS"	Майда штамп деталлари
2	P003	J/V "ELJIHOZ-SERVIS"	Майда штамп деталлари
3	P004	J/S "ELECTROAPPARAT"	Майда штамп деталлари
4	P005	ANDIGAN MECHANICAL PLANT	
5	P006	J/V "UZ KORAM CO"	Бамперлар
6	P007	J/V "UZ-TONG HEUNG CO"	Сиденья
7	P008	J/V "UZ-DONG YANG CO"	Внут.отделка
8	P010	J/S "BARION"	Майда штамп деталлари
9	P011	J/V "UZ-DONG WON CO"	Глушители
10	P012	"ELECTROMASH CO LTD"	Майда штамп деталлари
11	P015	J/V "UZ-SAEMYUNG CO"	Бензобаклар
12	P016	J/V "TAPAZ"	Майда штамп деталлари
13	P019	P/F "CHERNOV-PLAST"	Майда штамп деталлари
14	P020	J/S "AZP"	Майда штамп деталлари
15	P022	FERGANA MECHANICAL PLANT	Майда штамп деталлари
16	P026	J/S "QOQONMASH"	Майда штамп деталлари
17	P028	PE "SPEKTR"	Майда штамп деталлари
18	P032	ASBOBSOZ	
19	P033	PCG AT AMP GAO TAPOICH	Майда штамп деталлари
20	P037	MAVLON-TECHNIC LTD.	Майда штамп деталлари
21	P039	OOO "OSIYO-KOMPRESSOR FILTER"	Майда штамп деталлари
22	P051	D/B "KINGHOLD",TASHKENT CITY	Майда штамп деталлари
23	P052	PE "GEFEST"	Майда штамп деталлари
24	P058	J/V "UZ-KOJE"	Жгутлар-ва автомобиль учун симлар
25	P059	P/C "MUSABAYEV Z.F."	Майда штамп деталлари
26	P060	PPCF "QUOTA",ANDIJAN CITY	Майда штамп деталлари
27	P063	PPF "GAYRAT-2000"	Майда штамп деталлари
28	P064	FE "DAVR"	Майда штамп деталлари
29	P065	PF "MERIDIAN"	Майда штамп деталлари
30	P066	DEKORIMEX	
31	P067	ОАО "AVTOOYNA"	Ойна
32	P070	P/F "KETS"	Майда штамп деталлари
33	P071	J/S SARAY-PLASTIC	Молдинги
34	P072	ООО "KAPITAL RUBBER TECHNOLOGY"	Шумопоглотители
35	P073	ZAO"EVRAZIA TAPO-DISK"	Дисклар

36	P076	OOO"SANGZOR-SERVIS"	Майда штамп деталлари
37	P077	P/F"MICHAILIKOV"	Майда штамп деталлари
38	P083	PE "RAMEN"	Молдинги
39	P086	PE "UNIVERSAL LYUKS"	Майда штамп деталлари
40	P087	PE "ELITE-HAMKOR"	Майда штамп деталлари
41	P088	OOO "SARATON PLAST"	Майда штамп деталлари
42	P090	"MET-FUR SERVIS CO.LTD"	Майда штамп деталлари
43	P094	PTF "UMID"	Майда штамп деталлари
44	P097	DP "SAMARA-ANZIS"	Майда штамп деталлари
45	P111	PE"TECHNOSAVDOLYUKS"	Майда штамп деталлари
46	P112	PF "UYCHI-DETALMASH"	Майда штамп деталлари
47	P115	DP MASHAL ANZIS	Майда штамп деталлари
48	P119	PF "OYNAZAR"	Майда штамп деталлари
49	P120	J/S "UZEXIDE"	Аккумуляторлар
50	P121	PPF "MAVZUNIM ARUS"	Майда штамп деталлари
51	P124	CHF "AMATON"	Майда штамп деталлари
52	P125	P/F "QALB MEMORY"	Майда штамп деталлари
53	P130	"TARAQQIYOT OMAD SERVIS"	Майда штамп деталлари
54	P132	OAQ"UZVTORTSVETMET"	Майда штамп деталлари
55	P134	AND ASKARAT ELIT LTD	Майда штамп деталлари
56	P138	DP "ZAMIN SANOAT"	Майда штамп деталлари
57	P139	"ANDIJANPOLIMER" LTD	Майда штамп деталлари
58	P140	"METALTORGLUX" LTD	Безакли колпак
59	P142	TPF "ROLTOM"	
60	P145	OOO MARLENELEKTRONIKC	Майда штамп деталлари
61	P146	CHPF AVESTO SHAMS	
62	P148	"ANDSANOATPLAST CO LTD"	Майда штамп деталлари
63	P155	PE "ASAKA SHUXRAT"	
64	P156	"IST BATTERFLY"	
65	P167	"HAZORASP AGREGATMASH" LTD	
66	P169	SHOVLI	Майда штамп деталлари
67	P166	TASHAFUS	БЕНЗАНАСОС
68	P172	IDAS	CD
69	P174	DIP "CHINA BAO PLAST"	
70	P180	"TECHNO PLAST PROGRESS"	
71	P181	OOO"VODIY OLTIN KUZ"	
72	P188	J/V "UZ CHASSYS"	
73	P190	FARGONA MEHANIKA TARAQQIYOTI	
74		JV "Uz-Dong JU"	Лак бўёқлари

*Манба: “GM–Uzbekistan” ЁАЖ маълумотлари ва муаллиф ишланмаси

Юқоридаги маълумотлардан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, охириги йилга келиб маҳаллийлаштириш даражаси ошиб бормоқда. Ҳамон маълум бир қисм деталлар хориждан келтирилмоқда. Улар жумласига электр жиҳозлари, безак жиҳозлари, двигательнинг асосий қисмларини

киритишимиз мумкин. Шундай экан эндиликда юқоридаги эҳтиёт қисмларни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўймоғимиз лозим.

Биз таклиф этаётган фикрлар қуйидаги ижобий натижаларга эришишни таъминлайди:

- ✓ Махаллийлаштириш дастурини муваффақиятли амалга ошишига олиб келади.
- ✓ Мамлакатимизда янги корхоналар юзага келади ва янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилади.
- ✓ Янги иш ўринлари юзага келади ва бандликни самарали хал этилишига кўмаклашади.
- ✓ Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархи пасайишига олиб келади ҳамда корхона фойдаси ортади ва хо ка золар.

Буларга яна “Ўз Донг Янг”ни мисол қилишимиз мумкин. Бу корхона автомобил салонини асоий қисмлари билан таъминлашни йўлга қўйган.

Лак бўёклари эса ўзимизнинг Андижондаги “Ўз Донг Жу” қўшма корхонасидан келтирилмоқда. Яна бир муҳим корхоналар қаторига “Ўз Се Мюнг” корхонаси ҳам киради. Бу корхона автомобилларга бензобаклар ва штамп қисмларини ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланади.

Автомобиль ойналари Фарғонада қурилган «Автоойна» корхонасидан келтирилади. “Ўз Донг Янг” корхонасидан бўлса, салон безаклари келтирилади, Республикамизнинг 35 дан ортиқ корхоналаридан, (буларга “Автосаноатпласт”, “Мўжизапласт”, “Олтинкўлпласт”, “Pipe plast” ва бошқа корхоналардан) автомобиль ишлаб чиқариш учун кетадиган майда пластмасса қисмлар келтирилади. Кичик бирлаштирувчи қисмлар бўлса «Қўқон электромаш» ООО, «Истиклолнинг етти йиллиги, Қўқон тўқмаш» заводларидан олиб келинади.

“GM-Uzbekistan” қўшма корхона хорижий мамлакатлар билан ҳам ҳамкорлик қилади. Мисол тариқасида келтирадиган бўлсак, Польша,

Хиндистон, Хорватия, Қирғизистон, УФА ва бошқа мамлакатлар ҳисобланади. Корхонанинг «Россава» корхонаси билан тузилган шартномага кўра, бу ердан автомобиллар учун керакли бўлган шиналар келтирилади. Польшанинг “Фер – Бельша” корхонасидан автомобиллар учун сигналлар, УФА нинг ИПФ “МДМ” корхонасидан турли наклейкалар, Югославиянинг “FADIP – NKS” корхонасидан тормоз турбиналари ва шланклари, Польшанинг “Un – Wharrn” корхонасидан эса муҳофаза камарлари келтирилади, Германиянинг “GM-BH” “BLAVPUNKT”идан автомобиллар учун магнитофонлар ва бензин тозаловчи (памперслар) келтирилган.

Ҳозирги кунда бу эҳтиёт қисмларнинг Андижондаги “IDAS - Electronics” қўшма корхонаси етказиб бермоқда. Хиндистоннинг «ASAMIGLASS» корхонасидан автомобиллар учун ойналар келтирилган бўлиб, ҳозирги кунда ушбу эҳтиёт қисмлари Наманган шаҳрида автомобил чироқлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Уз-CHasys” Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси томонидан етказиб берилмоқда. Корхонанинг очишиш маросимида тегишли вазирлик, корхона ва ташкилотлар вакиллари, соҳа мутахассислари, хорижлик ҳамкорлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

“Ўзавтосаноат” аксиядорлик компанияси ҳамда Корея Республикасининг “Chasys Co.Ltd” компанияси ҳамкорлигида бунёд этилган бу иншоот қурилишида Уйчи туманидаги “ХМКК-10” масъулияти чекланган жамияти бунёдкорларининг ҳиссаси жуда катта бўлди. Улар томонидан қисқа вақт ичида тўрт миллиард сўмликка яқин қурилиш-монтаж, реконструкция ишлари бажарилди.

Марказий Осиёда ягона бўлган бу корхона юқори аниқликда полимер қуйиш, ультрабинафша нурлари билан ишлов бериш, вакуум шароитида алюминлаш ишларини бажарадиган илғор технологик линиялар билан жиҳозланган. Бундан ташқари, бу ерда тайёр маҳсулот сифатини текшириш,

фара ва чироқларнинг герметиклигини синаш, фотометрик текширувлар ўтказиш имконини берадиган замонавий дастгоҳлар ҳам ўрнатилди.


Йилдан йилга автомобиллар учун керакли бўлган эҳтиёт қисмлар маҳаллийлаштириш дастурлари асосида ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Бу эса маблағларни тежаб қолишга ва таннархнинг камайишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишда ташкилий – иқтисодий омиллар бошқарув билан биргаликда муҳим ўринни эгаллайди. Жамао ишлаб чиқариш кўламининг олиши ва хўжалик алоқаларининг мураккаблашиши сари уларни роли алоҳида ўсади. Ҳаммадан аввал бу ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг оқилона шакллари ихтисослаш, кооперациялаш ва комбинациялашнинг ривожланиши ҳамда такомиллашидир.

Яна бир ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишнинг омили маҳсулот сифатини ортиши ҳисобланади. Бугунги кун шароитда сифат кўрсаткичи рақобатбардошликни баҳоловчи омил бўлиб ҳисобланади. Ўтган йилларда корхона халқаро рақобатда беллашиш учун ўз маҳсулот сифатига бир қанча янгиликлар киритди. “EVRO N CAP” методикаси бўйича Краш – тест ўтказилганда “Lasetti” модели бешта имкониятдан тўртта юлдузни қўлга киритди.

Бугунги кунда корхонада, ҳозирда “Chevrolet” бренди остида “Captiva”, “Epica”, “Lasetti”, “Nexia”, “Spark”, “Matiz”, ҳамда “Damas” русумли автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда. Янги турдаги жаҳон андозаларига жавоб берадиган яна бир автомобиллар ишлаб чиқарилиши яқин йилларга режалаштирилган бўлиб, бу “Chevrolet MALIBU” ва “Chevrolet COBALT” русумли моделлар ҳисобланади.

1997	■ «УзКорам» ҚК	■ Бампер ва панел инструментлари
	■ «УзТонгХонг» ҚК	■ Сиденья
1998	■ «УзДонгЯнг» ҚК	■ Салонни асосий қисмлари
	■ «УзДонгЖу» ҚК	■ Лак бўёқлари
	■ «УзДонгВон» ҚК	■ Глушител ва зарбага қарши балжалар
	■ «УзСэМюнг» ҚК	■ Бензобаклар ва йирик штамп қисмлари
2003	■ «УзКоджи» ҚК	■ Жгутлар ва автомобиль учун симлар
2004	■ «Автоойна» ОАЖ	■ Автомобиль ойналари
2006	■ «УзЭксайд» ҚК	■ Аккумуляторлар
2006	■ «Евразия ТАПО-Диск» ЎАЖ	■ Баллон дисклари
1996 – 2008	■ Маҳаллий етказиб берувчилар	■ Майда штампли, пластмассали, асосий қисмлари
	■ (100дан зиёд ташкилот)	



*Манба: “GM–Uzbekistan” ЁАЖ маълумотлари ва муаллиф ишланмаси

3.2 “GM-Uzbekistan” ЁАЖда меҳнат солоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятлари

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодий шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодийда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди.

Бу борда мамлакатимиз президенти И.А.Каримов ҳам қуйидагиларни таъкидлаб: “Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатбардошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда, иқтисодий изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.”⁸ шундай дейди.

Корхоналарда маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқаришда асосий ўринни жонли меҳнат омили, яъни инсон омили муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ҳар қандай фан – техника тарққиётининг ривожланган босқичида ҳам инсон омилининг бўлиши талаб этлади. Яъни, юқори технологияга асосланган ишлаб чиқариш усулларини ҳам инсон бошқариши лозим

⁸ И.А.Каримовнинг “2011 йил яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишлари” Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси 2012 йил 20 январь, № 14 (5434) Жума.

бўлади. Бундай шароитда корхоналарнинг меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражасини ўрганиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш хажмининг ошишига, маҳсулот таннархининг пасайишига, фойда миқдорининг ошишига ҳамда бошқа бир қатор техник – иқтисодий кўрсаткичларнинг яхшиланиши корхонанинг меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражасига боғлиқ бўлади. Меҳнат кўрсаткичларининг бажарилиш даражаси машина ва жиҳозлардан максимал фойдаланишга, ишлаб чиқаришни бир маромда амалга оширилишига ва меҳнат унумдорлигининг ўсишига таъсир кўрсатади. Шу туфайли кадрларни ишга қабул қилишда корхона доимо очик мулоқотни афзал билади ва қуйидаги 3.2.1-расм орқали ташкил этади;




3.2.1-расм.Очик мулоқотни ташкил этиш.

Очиқ мулоқотни асосий жиҳатлар:

- Орадаги (рахбар ва ишчи) тўсиқларини олиб ташлаш;
- Мулоқот муҳитини яратиш;
- Ўзаро ишончни қўллаб қувватлаш.

Бу жиҳатларни тўлароқ ўрганиш мақсадида қуйидаги 3.2.2-расмга эътибор қаратамиз;



3.2.2-расм.Очиқ мулоқотни самараси.

*Манба: “GM–Uzbekistan” ЁАЖ маълумотлари ва муаллиф ишланмаси

Бугунги кунда республикамызда ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини иқтисодий салоҳиятини ошириш учун мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни ва уларнинг билим салоҳиятини оширишни тақозо этмоқда. Ҳозирда, “Автотеххизмат” АЖ минтақавий хизмат кўрсатиш станцияларини таркибий ўзгартириш ва техник қайта жиҳозлаш ишларининг бажарилиш жараёни “Ўзавтосаноат” ОАЖ уюшмаси раҳбарияти томонидан доимий равишда назорат қилиниб турилади. Бунда бир вақтнинг ўзида кадрларга, яъни – “GM-Uzbekistan” ЁАЖ автомобилларига сервис хизматлар кўрсатиш учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирда ҳам “�завтотеххизмат” ОАЖ тизими корхонанинг ходимларини малакасини ошириш учун яъни, ўқитиш учун Жанубий Кореянинг “ДЭУ” корпорациясига юбормоқда. Ишлаб чиқариш рақобатчилиги муҳотида барча даражадаги ходимлар етарли лаёқатга эга бўлишлари жуда муҳим. “GM-Uzbekistan” ЁАЖ да ишчиларининг ишга лаёқатини оширишда қуйидаги принциплар билан амалга оширилади:

- Барча ходимларни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган ўқитишларини амалга ошириш ва ташкил этиш;
- Ходимлар рақобатбардошлик муҳоти талабларига мувофиқ бўлган лаёқатга эга бўлиши;
- Кутилаётган лаёқат талабини аниқлаш ва ходимлардаги лаёқат фарқларини камйтириш;
- Бизнес – режани бажаришда ходимлар лаёқатини кафолатлаш;
- Ходимларни доимий равишда ўқитиш ва самарасини аниқлаш;
- Етакчи ўқитувчи бўлиши ва компания барча даражасида КАСКАД усулида ўқитишни таъминлаш лозим.

Меҳнат салоҳиятини ўсиш даражаси маҳсулот ҳажмининг ўсиш даражасига нисбатан юқори бўлиши мамлакат миқёсида катта иқтисодий самара бермоқда. Халқаро тажрибадан маълумки, шу кўрсаткич давлат иқтисодиётининг қудрати, кишилар турмуш фаровонлиги омилларининг мезони бўлиб зизмат қилади.

Иш жараёнида содир бўлган фалокатлар ва улар натижасида ишчига етказилган зарар ҳар бир корхона учун каттагина зарар келтиради. Чунки, ишчи соғлигига етказилган зарар иш вақти йўқотилишига, уни даволатиш учун ортиқча харажатга, ўрнига тайинланган ишчига тўланадиган иш ҳақи каби ортиқча харажатларга олиб келади. Шу сабабли “GM-Uzbekistan” ЁАЖи ҳам ишчилар хавфсизлиги қоидаларига катта эътибор қаратадилар.

Бу борада, иш жойида хавфсизликни ва ишчилар соғлигини таъминлаш учун ўз қонун – қоидаларини ишлаб чиқилган. Саломатлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсади – хавфсизлик ва саломатлик устуворлигини таъминлаш ҳамда барча бахтсиз ҳодисаларни камайитиришга, уларни яъни, ҳодимларни ишонтириш орқали ҳодимлар хавфсизлигини таъминланганлигини кафолатлашдир. Корхонанинг техника хавфсизлига ҳодимлари, нафақат улар балки барча ҳодимларнинг ўз шиорлари бор ва унга барча қатъий амал қилишади.

Шиори -

Бахтсиз ҳодисалар = « 0 »

Саломатлик ва хавфсизликдан қандай қилиб етакчи бўлиш мумкин, бунга биз қуйидагича жавоб берамиз:

- Етакчиликни қўллаб қувватлаш;
- Хавфсизлик қоидаларига 100% риоя этишни таъминлаш;
- Шахсий интизом;
- Одоб-ахлоқни ўзгартириш (яхшилаш);
- Ҳавфларни ўрганиш ва сабабларини бартараф этиш.

Ҳавфни камайитириш чора – тадбирлари.

Битта ўлим билан тугалланадиган бахтсиз ҳодисани олдини олиш учун 30000 мингта бахтсиз тасодифни бартараф этиш лозим (3.2.3-расм).



“GM-Uzbekistan” ЁАЖ корхонаси ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш учун меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиб, иш вақти йўқотишларини доимий равишда 3.2.3-расмдаги каби назорт қилиб боради.

Энди, корхонада иш вақти йўқотилиши тизимини қуйидаги 3.2.4-расм орқали ифодалаймиз.

Иш вақтини ЙЎҚОТИШНИ КУЗАТИБ БОРИШ.

		1	2	3		
		4	5	6		
7	8	9	10	11	12	13
14	15	16	17	18	19	20
21	22	23	24	25	26	27
		28	29	30		
		31				

➡ Қизил белгида бахтсиз ходиса бўлган.

Сана	Бахтсиз ходиса мазмуни	Бахтсиз ходиса сабаби	Курилган чоралар	Масъул	Баҳо
12.04.11	Ишчининг қўли кесилган	Детл кирраси шткир, қўлқоп кийилмаган, қўлқоп билан ўз вақтида таъминланмаган	Қўлқопни ўз вақтида берилишини таъминлаш ва масъул ходимга тегишли чора кўриш	Бригадер Алиев. А	
16.04.11	Оёғи лат еган	Деталлар нотўғри такланганлигида н оғанаб тушган	Деталлар ортиқча такланмаслик тўғрисида КАРА хайдовчисига огохлантирилди ва тегишли чора кўрилди	Солиев.У	

*Манба: “GM-Uzbekistan” ЁАЖ маълумотлари ва муаллиф ишланмаси

3.2.4-расм. “GM-Uzbekistan” ЁАЖда иш вақти йўқотилиш тизими.

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, бригадер ва карачига тегишли чора кўрилган ва махсус белгилар орқали система асосида иш фаолияти олиб борилмоқда.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Битирув малакавий ишини ёзиш жараёнида корхонанинг иқтисодий салоҳиятини ошириш ва унга таълуқли муаммоларни ҳал этишга доир таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Ҳамда у билан боғлиқ назарий ва амалий адабиётларни ўрганиб чиқилиб, - корхонанинг иқтисодий салоҳиятини ошириш – бу истеъмолчилар диди ўзгарувчан шароитда, ҳар бир ўзгаришларга мос келувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва ушбу ўзгаришларга хос янгиликларни ўз маҳсулотларига тезлик билан кирита олиш тушунилади. Бизнинг шароитимизда ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг салоҳиятини ошириш учун қуйидаги масалаларни ҳал этиш зарур;

Биринчидан, корхона ўз маҳсулотига нисбатан бозорда талаб ва таклиф ҳолатини ўрганиб, рақобатчиларни ортда қолдирадиган стратегик дастур тузиб олиш зарур.

Иккинчидан, корхонада кадрларсалоҳиятини тўхтовсиз, замон билан ҳам нафас ҳолда, чет эллар билан ҳамкорликда малакасини ошириб бориш.

Учинчидан, чет элдан сотиб олаётган ярим тайёр маҳсулотларимизни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўймоғимиз зарур, яъни, маҳсулотни маҳаллийлаштирмоғимиз даракор.

Тўртинчидан, ишлаб чиқариладиган маҳсулотга ишлатадиган ҳом – ашё ресурсларини миллий валютаимизда, арзон нархларда ва сифатли ҳолатда сотиб олишни таъминлаш керак.

Бешинчидан, ишлаб чиқаришга сўнги русумдаги, замонавий ва самарали техника – технологияларни доимий равишда жалб этиш асосида меҳнат унумдорлигини ўсиши, маҳсулот турларини янгилаб бориш, такомиллаштириш, янги модалар яратиш каби хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиб бориш ва уларнинг ихтисослашувини таъминлаш лозим.

Олтинчидан, корхона ташкил этилган худудда яратилаётган иш ўрни баҳосига тўғри келадиган кадрларни, энг малакалиларини саралаб олиш ва ишлаб чиқаришга жалб этмоқ керак.

Еттинчидан, иш жараёнини доимий равишда узлуксизлигини таъминлаш учун бошқарувда малакали мутахассислардан фойдаланиш лозим.

Саккизинчидан, ҳозирги даврда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сифатини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш керак. Корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотиш учун стандартлаштириш ва халқаро меъзонлар асосида сертификатлаш талаб қилинади.

Тўққизинчидан, ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш ва уни такомиллаштириш борасидаги ишларни олиб бориш ва халқаро бозорларни ўзлаштириш чораларини қўллаш, чет эл бозорларида савдони замон талаблари асосида ташкил этишдек иқтисодий стратегияларини амалга ошириш лозим.

Ўнинчидан, “GM-Uzbekistan” ЁАЖ маҳсулотларига бошқа мамлакатларда талаб мавжудлигини эътиборга олган ҳолда, икки томонлама манфаатдорлик мавжудлигини ҳисоб олиб, жаҳон бозорига чиқишни янада ташкиллаштириш ҳамда экспорт ҳажмини кенгайтиришни уюштириш имкониятларини ўрганиш ва уни ташкил этиш.

Ўн биринчидан, рақобат муҳитини янада кенгайтириш, сифатини баҳолаш тизимини такомиллаштириш ва маҳсулот турларини, янгидан – янги моделларини жорий қилиш.

Ўн иккинчидан, Корхоналарнинг салоҳиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларни ички ва ташқи

бозорларда сотиш учун стандартлаштириш ва халқаро меъзонлар асосида сертификатлаш талаб қилинади.

Ўн учинчидан, корхонанинг иқтисодий салоҳиятини янада ошириш учун қуйидагиларни қўшимча равишда иш фаолиятига жорий этиш керак;

■ Барча бутловчи қисмларни маҳаллий корхоналарда тайёрладиган, миллий ресурслардан фойдаланиб, арзонроқ баҳодаги, кам харж автомашиналарни яратиш мумкин. Бундан ташқари махсус хизмат кўрсатадиган машиналарни ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиш керак.

■ Хизмат муддати тугаб бораётган машиналарни тез қайта таъмирловчи корхоналарни ташкил этиш мумкин.

Демак, олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, корхоналарда иқтисодий салоҳиятни оширишни қўллаш жараёни ва уни янада такомиллаштириш жуда кўплаб омиллар таъсирида шаклланиб боради.

Юқоридаги хулоса ва тавсиялар “GM-Uzbekistan” ЁАЖда иқтисодий салоҳиятни таъминлаш учун асос бўлади ва етарли шароит яратади.

Бугунги кунда Андижон вилоятида ишлаб чиқарувчи корхоналарни иқтисодий салоҳиятини таъминлаш ва янгиларини ташкил этиш учун, фаолият олиб бораётган ёш, шижоатли тадбиркорларни қўллаб – қувватлаш, уларга тўсиқ бўлаётган камчиликларни бартараф этиш керак. Бундан ташқари, бугунги кунда долзарб бўлган “Ёш тадбиркорларни иқтисодий ва бизнес саводхонлигини ошириш” масалаларига катта аҳамият қаратилиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент 1992-йил.
2. “Корхоналар тўғрисида”ги қонун. 1991-2006 йиллар.
3. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғри-сида”ги қонун. 2000 йил 25 май.
4. “Хусусий корхоналар тўғрисида”ги қонун. 2003 йил.
5. Каримов И.А. "Ўзбекистон буюк келажак сари" - Т.: Ўзбекистон, 1998, 372- бет
6. И.А.Каримовнинг “2011 йил якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишлари” Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси 2012 йил 20 январь, № 14 (5434) Жума.
7. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”.-Тошкент.: Ўзбекистон, 2009, 30-б.
8. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамияти демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. Т.:Ўзбекистон 2005.
9. “Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир”. Ўзб. Рес. Президенти И.А.Каримовнинг 2006 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига баъишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 13 феврал.
10. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир”. И.А.Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда

иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2008 йил 9 феврал.

11. Каримов И.А. “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлади”. 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлаган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // – Т. Халқ сўзи, 2012, 20 январь, № 14 (5534), –8 б.

12. Абдукаримов И.Т., Пардаев М.Қ “Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили”. Тошкент. “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 2003.

13. Пардаев М.К ва Ахматов И.: «Иқтисодий таҳлил» ва «Иқтисодий таҳлилда САХТХОБ» - Тошкент: 2001 йил.

14. Абдурахмонов К.Х. ва бошқалар “Персонални бошқариш” Т, “Шарқ” 1998й

15. Борисов е.Ф. Экономическая теория: учеб. – 2-е изд., перераб. и доп. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005. – 544 с.; Шишкин А. Ф. «Экономическая теория», учебник, книга 2, М. изд-ва «Владос», 1996, 154 с.

16. Головкова Н.С., Заболатная Н.В., Хербакова И.Г. Финансово-экономическое состояние предприятия: Учебное пособие. БУПК. Белгород, 2003.

17. Ғуломов С.С. ва бошқалар “Менежмент асослари” Тошкент 1998й

18. Ғуломов С.С. ва бошқалар “Ходимларни бошқариш” 1-қисм Фарғона 2000й

19. Ғуломов С.С., М.И Тошниёров ва бошқалар “Машинасозлик корхоналарида микроиқтисод” 1997й

20. Додобоев Ю.Т ва бошқалар “Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш” Тошкент 1999й

21. Зайниддинов Ш. “Менежмент” Т. 2001 й

22. Ишмухамедов А.Э. “Лойиха тахлили” –Т.: ТДИУ, 1998
23. Қутбетдинов А.Т., Абдукаримов Б.А “Корхонанинг бозор модели”. Маъруза матни, Самарқанд 2000.
24. Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. “Меҳнат иқтисоди ва социологияси”. Ўқув қўлланма. Самарқанд 2002.
25. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. “Иқтисодий таҳлил”. Ўқув қўлланма, I-II қисм. - Тошкент: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”. Нашриёт уйи, 2001
26. Парпиев У., Саломов И. “Бозор иқтисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш”. Т. “Шарқ”. 1996.
27. Раҳимова Х. ва бошқалар “Меҳнатни муҳофаза қилиш” Т, “Ўзбекистон” 2003й
28. Тожибоева Д. “Иқтисодиёт назарияси”: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. – Т.: «Ўқитувчи». 2002, 227-б.
29. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. “Иқтисодиёт назарияси” Т “Меҳнат” 1995й
30. Халилова Р.Х. “Қурилиш соҳасидаги ишлаб чиқариш корхоналари ва атмосфера” Т “Ўзбекистон” 2001й
31. Шарифхўжаев М.Ш, Абдуллаев Ё.А “Менежмент”, Т. “Меҳнат” 2000й
32. Эгамбердиев Э.Хўжакулов Х. “Кичик бизнес ва тадбиркорлик”. Т., Маънавият, 2003.
33. “Экономика торгового предприятия”. Учебник. Коллектив авторов, под ред. Гребнева А.И., М.: “Экономика”, 1997.
34. Абдукаримов Б.А., Қутбетдинов А.Т. ва бошқлар. “Экономикс бўйича терминларнинг изохли луғати”. Тошкент. 1996.
35. Андижон вилоятида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг 2011-йил якунлари ва иқтисодий ислохотлаштириш тўғрисидаги ҳисоби. - Андижон, Андижон вилояти статистик ахборотномаси, 2012. 128 бет.
36. “GM Uzbekistan” ЁАЖнинг йиллик ҳисоботлари, 2009 – 2011 йиллар.

37. “GM Uzbekistan” ЁАЖ брашураси 2002 й.
38. “GM Uzbekistan” хронология компании 1992 – 2010 г.

Ф О Й Д А Л А Н И Л Г А Н И Н Т Е Р Н Е Т С А Й Т Л А Р И

1. <http://www.aup.ru>-Административно-управленческий портал., Бизнес-портал AUP.Ru, Менеджмент и маркетинг в бизнесе
2. <http://www.cfin.ru/products/mbp/> - Мастерская бизнес-планирования
Осень.2009-Теория и практика финансового анализа, инвестиции...
3. <http://www.google.uz>- Ўзбекистонги қидирув тизими
4. <http://www.edu.ru> - Ўзбекистонги қидирув тизими
5. <http://www.ziyo.net.uz> - Ўзбекистонги қидирув тизими
6. <http://www.stat.uz>- Ўзбекистон Республикаси статистика бошқармаси
тизими

И Л О В А Л А Р